

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ЖУМАЕВ БЕКЗОД БАХТИЁР ЎҒЛИ**

**КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**5A240124 – Тергов фаолияти**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Л.Исоқов**

**ТОШКЕНТ–2021**

## **МУНДАРИЖА**

**КИРИШ.....3**

### **I-БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

1.1. Кибержиноятлар тушунчаси, мазмун-моҳияти ва хусусиятлари.....10  
1.2. Кибержиноятлар таснифи.....17

### **II-БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

2.1. Кибержиноятларни тергов қилишнинг хукуқий асослари.....27  
2.2. Кибержиноятларни тергов қилишнинг методикаси .....38  
2.3. Кибержиноятларни тергов қилиш тактикаси ва рақамли далилларни  
тўплаш амалиёти.....51

### **III. КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШГА ДОИР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА УНИ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

3.1. Кибержиноятларни тергов қилишга доир халқаро стандарт.....67  
3.2. Кибержиноятларни тергов қилишга доир хорижий тажриба ва уни миллий  
қонунчилигимизга қўллаш истиқболлари.....75

**ХУЛОСА.....82**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....**89

**ИЛОВА .....**97

## **КИРИШ**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот чегара билмас кучга айланиб, у бутун дунё аҳолисини бошқармоқда. Энг йирик глобал маконга айланган интернет нафақат шахсга, балки жамият ва давлат хавфсизлигига дахл қилувчи қуролга ҳам айланиб улгурди. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, ШХТ, МДҲ, Араб давлатлари лигаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг 4 млрд.дан ортиғи интернет фойдаланувчisi ҳисобланиб, киберхавфсизлик бўйича халқаро эксперtlар 2019 йилда киберҳужумлар ҳар 14 секундда содир бўлишини таъкидлади. Ҳар йили кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зааранинг миқдори дунё ЯИМнинг 1 %ни ташкил этади<sup>1</sup>.

Замонавий технологиялар аслида деярли барча жиноятларнинг ахборот технологиялари ёки интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилиши ахборот хавфсизлигини таъминлаш, кибержиноятларга қарши курашиш, халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишни тақозо қилмоқда. Кибержиноятларнинг трансмиллий хусусиятини инобатга олиб, жаҳонда бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот изланишлар ахборотни хавфсиз узатиш, электрон далилларнинг мақбуллиги, компьютер жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи, ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалаларига бағишлиланган. Қайд этиш жоизки, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахборот ҳамда у билан боғлиқ бўлган ахборотлаштириш жараёнининг ҳуқуқий тартибга солиниши алоҳида аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> <http://www.statista.com/> (The Statistics Portal)

Тадқиқотлар доирасида қуидаги муаммолар аниқланиб, уларни ҳуқуқий таҳлил этиш ҳамда бартараф этиш мавзу долзарблигини белгилаб беради:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи нормаларнинг такомиллашмаганлиги, яъни амалиётда ЖҚда назарда тутилмаган ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноят таркибларининг кўплиги, жиноят турларининг янгиланмай қолганлиги; мазкур жиноятларни тергов қилишга доир ягона методнинг ишлаб чиқилмаганлиги; Жиноят-процессуал кодексида жиноятларни тергов қилишда рақамли экспертиза тайинлашнинг мавжуд эмаслиги; кибержиноятларни тергов қилишда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг такомиллаштириш зарурлиги; кибержиноятларнинг глобаллашуви ва “халқаро кўламга эга бўлиши”, мазкур жиноятчиликнинг глобал хавф сифатида тан олиниши, кибержиноятларнинг халқаро миқёсда содир этилишига имкон яратувчи “кибормакон”нинг вужудга келиши натижасида халқаро стандартларнинг тан олиниши самарали ўрнатилмаганлиги; кибержиноятларни аниқлаш, унинг сабабларини ўрганиб бартараф этиш, хусусан, тергов қилиш ва ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишни амалга оширувчи органларнинг самарали фаолият кўрсатмаётганлиги, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш доирасида “ИТ” мутахассислари билан етарли ҳамкорлик ўрнатилмагани ҳамда иш юритишда электрон далилларнинг бутунлиги ва яхлитлигини таъминловчи, уларни кўздан кечириш, олиш, сақлаш, ташиш ва судга тақдим этиш тартибини белгиловчи процессуал механизм мавжуд эмаслиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994)<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси<sup>3</sup>, 2003 йил 11

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/111453>. (Мурожаат этилган сана 10.03.2021 йил).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/1659822>. (Мурожаат этилган сана 10.03.2021 йил).

декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сон<sup>4</sup>, 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон<sup>5</sup> Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони<sup>6</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори<sup>7</sup>, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатлариiga ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 137-сонли Қонуни<sup>8</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори<sup>9</sup> ва бошқа соҳадаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни комплекс тарзда амалга оширишга хизмат қиласди.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/acts/83472> (Мурожаат этилган сана 10.03.2021 йил).

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/2387357> (Мурожаат этилган сана 10.03.2021 йил).

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.10.2018-й., 06/18/5547/1975-сон) <https://lex.uz/docs/3735818>. (Мурожаат этилган сана 10.03.2020 йил)

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатлариiga ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 137-сонли Қонуни // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/1295262> (Мурожаат этилган сана 10.03.2020 йил)

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора -тадбирлари тўғрисида”ги қарори // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://lex.uz/docs/1968372> (Мурожаат этилган сана 10.03.2020 йил)

**Тадқиқот мақсади** - кибержиноятларни тергов қилишда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими бўйича назарий-амалий ечимларни беришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

кибержиноятлар тушунчаси, мазмун-моҳияти ва хусусиятлари ҳамда таснифини очиб бериш орқали кибержиноятларнинг умумий тавсифи ёритиб берилган;

кибержиноятларни тергов қилишнинг ҳуқуқий асослари ва методикаси, кибержиноятларни тергов қилиш тактикаси ва рақамли далилларни тўплаш амалиёти таҳлил қилиниб, кибержиноятларни тергов қилишнинг ташкилий-хуқуқий асослари кўрсатиб ўтилди;

кибержиноятларни тергов қилишга доир ҳалқаро стандарт ҳамда хорижий тажриба ўрганилиб, уларни қонунчилигимизга қўллаш истиқболлари белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг объекти бўлиб** кибержиноятларни тергов қилиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар доираси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** кибержиноятларни тергов қилишнинг илмий-назарий асослари, миллий ва хорижий олимларнинг илмий изланишлари, амалдаги қонун ҳужжатлари, ҳалқаро стандартлар ва хорижий тажриба, шунингдек амалиётда мавжуд муаммолар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

кибержиноятларнинг киберфирибгарлик, кибертерроризм турлари, кибормакон, киберсуицид тушунчаларининг таърифи ва улар учун жиноий жавобгарлик белгилаш зарурати асосланган;

шахснинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини жиноят-хуқуқий муҳофаза қилиниши ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда ахборот технологияларидан фойдаланиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодексига бир қатор ўзgartiriшлар киритилиши келтирилган,

кибержиноятларга қарши курашиш ҳамда тергов қилишда рақамли далилларни тўплаш ва уларнинг яхлитлигини таъминлаш юзасидан механизм ишлаб чиқиш зарурлиги асослантирилган;

кибержиноятлар доирасида тергов ишларини олиб боришда маҳсус тактикалар тавсия этилган ҳамда ушбу турдаги жиноятлар учун алоҳида тергов ҳаракатлари олиб борилиши лозимлиги илмий асослантирилган.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили.** Кибержиноятларни тергов қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш жиҳатлари нафақат миллий, балки дунё жиноят ҳуқуқий фанида янги йўналиш ҳисобланади. Мамлакатимизда мазкур муаммонинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик (А.К.Расулов, Е.С.Абдурахманов, Р.Кабулов, М.Х.Рустамбаев, К.Р.Абдурасурова, М.Собиров, Н.С.Салаев, Х.Очилов Д.И.Сафаров), шунингдек, қриминалистик (А.С.Закутский, Т.Н.Бутунбаев) чораларининг умумий ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг тушунчаси, таркиби, турлари хусусиятлари, улар учун жиноий жавобгарлик, жиноятларни квалификация қилиш ва исботлаш масалалари, шунингдек кибержиноятларни тергов қилиш, криминологик, социологик (жиноят-статистик) жиҳатлари Л.Кочкина, Т.Бородкина, И.М.Рассолов, Ш.Толмасов, В.А.Дуленко, Р.Р.Мамлев, В.А.Пестриков, И.Г.Чекунов, В.А.Номоконов, И.В.Раманов, О.А.Кузнецова, А.В.Федоров, К.Е.Зинченко, Л.Ю.Исмаилова, А.Н.Караханъян, Б.В.Киселев, В.В.Крылов, Я.М.Мастинский, Н.С.Полевой, Ю.Н.Соловьев, В.В.Хургин, С.И.Цветков ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шунингдек Г.Г.Родионовнинг ушбу жиноятларнинг қриминалистик тавсифи, И.Р.Бегишевнинг рақамли ахборот жиноятларига қарши курашиш, J.Howardнинг (АҚШ) Интернетга тармоқли хужумлар статистикасининг таҳлили, бағишлиланган тадқиқотларни таъкидлаш лозим. Республикаизда ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик (Х.Р.Очилов) мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги

жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш (А.К.Расулов) мавзусида докторлик диссертацияси (DSc) ҳимоя қилинган. Ушбу тадқиқотларда ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва шароитлари, компьютер фирибгарлиги, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-хуқуқий чораларини такомиллаштириш тадқиқ этилган<sup>10</sup>. Аммо ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни кибержиноят сифатида ўрганиб, уни тергов қилишга доир тадқиқот олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг усуслари.** Белгиланган вазифаларни амалга оширишда илмий тадқиқот усусларидан, жумладан тизимли таҳлил, анализ ва синтез, қиёсий-хуқуқий таҳлил ҳамда тадқиқотнинг умумий ва бошқа маҳсус усусларидан фойдаланилган. Мазкур усусларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини ишлаб чиқишида, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ҳамда жиноят ҳуқуқи, криминалистика, ахборот ҳуқуқи, ахборот хавфсизлиги, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ахборот хавфсизлиги, суд экспертизаси каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигига намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш, мазкур жиноятларни олдини олиш самарадорлигини ошириш, ахборот хавфсизлигини жиноят-хуқуқий муҳофаза

---

<sup>10</sup> Мазкур олимларнинг ишлари тадқиқот ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган.

объекти сифатида тадқиқ этиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Тадқиқот иши Кириш, уч боб, етти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар каби қисмлардан иборат.

# I БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

## 1.1. Кибержиноятлар тушунчаси, мазмун-моҳияти ва хусусиятлари

Давримизнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқлари кундалик ижтимоий ҳаётимизга янада қулай имкониятларни тақдим этмоқда. Бироқ ана шу афзалликлар билан бир қаторда, айрим салбий ҳолатлар ҳам юзага келмоқдаки, бундан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шулардан бири кибержиноятчиликдир. *Кибержиноятлар* - бу компьютер, компьютер тармоғи ёки тармоқ қурилмасидан суиштеъмол қилишига қаратилган жиноий фаолият ҳисобланади. Уларнинг аксарияти кибержиноятчилар ёки хакерлар томонидан ундан ноқонуний даромад орттириш мақсадида содир этилади. Бугун технологиялар тобора ривожланиб боргани сари жиноятчилар ҳам улардан фойдаланиб, ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этмоқдалар. Хусусан, одамлар карточкаларидан пулни ўмариш сезиларли даражада ошди. Табиийки, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бу жиноятчилар аниқланиб, тегишли жазо чоралари кўрилмоқда ва жабрланувчиларга зарар ундириб берилмоқда. 2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда фирибгарлик жиноятлари сони бир йил олдингига қараганда икки баробарга кўпайиб, олти ойда 3 минг 881 тани ташкил этгани биз учун хавотирлидир. Боз устига технология ривож топгани сари фирибгарликнинг янгидан янги турлари пайдо бўлмоқда.<sup>11</sup>

Шу ўринда кибертерроризм ва унинг жамият ҳаётига солаётган хавфининг кўлами ҳам ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Кибертеррористик ҳаракат (киберхужум) - компьютерлар ва ахборот коммуникация воситалари ёрдамида амалга оширилган, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф тугдирадиган ёки потенциал хавф тугдириши мумкин бўлган, моддий обьектларга катта зарар етказиши ёки шунга олиб келиши

---

<sup>11</sup> <https://strategy.uz/index.php?news=1150>

мумкин бўлган, ижтимоий хавфли оқибатларнинг бошланиши ёки мақсади бўлган сиёсий сабабдир. Замонавий террорчилар учун кибермакондан фойдаланишнинг жозибадорлиги киберхужумни амалга ошириш катта молиявий харажатларни талаб қиласлиги билан боғлиқ. Экспертларнинг хуносасига кўра, бу ривожланаётган давлатларнинг тараққиётига кўмаклашиш, умуминсоний демократик тамойилларни қарор топтириш ниқоби остида фуқаролар онгига таъсир ўтказиш, уларни турли йўллар билан ўз мақсадлари сари бўйсундириш орқали амалга оширилмоқда. Афсуски, бу жараёнда киберхужумларни уюштириш, бу йўлда интернет глобал тармоғининг мислсиз имкониятларидан “самарали” фойдаланишга уринишлар тобора авж олмоқда. Интернетда мавжуд ижтимоий тармоқлар, уларнинг ишлаб чиқарувчилари ва ҳомийларининг суверен давлат ички ишларига “аралашишлари” қандай аҳамият ўйнаши охиригача ўрганилмаганлиги боис баъзан бундай “аралашув” мазкур давлатга қарши эканлиги ҳали ҳануз эътироф этилгани йўқ. Ижтимоий тармоқлар эгалари ушбу тармоқлар сахифаларида давлат тузумини ағдаришга даъват қилингани учун жавобгарликка тортилишининг халқаро миқёсдаги ҳуқуқий асослари яратилмаган. Ваҳоланки, ҳар бир қилинган жиноий хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мазмун-моҳиятига кўра, албатта, жавобсиз ва жазосиз қолмаслиги керак. Интернет сайtlари тўсатдан пайдо бўлиб, кўпинча форматини, сўнgra манзилини ўзгартиради. Шу боис айрим эксперталар интернетнинг бутқул очиқлиги каби дастлабки концепциялардан воз кечиб, унинг янги тизимиға ўтишни таклиф этмоқда. Янги моделнинг асосий моҳияти тармоқдан фойдаланувчиларнинг анонимлигидан воз кечишидир. Бу тармоқнинг жиноий тажовузлардан янада кўпроқ ҳимояланган бўлишини таъминлашга имкон берди.

Шунингдек, кибержиноятлар ва киберхуқуқбузарликларни тергов қилиш ва уларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда олдини олиш бўйича зарур қарорлар қабул қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш,

кибертерроризм, киберекстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, давлат органлари манфаатларига ҳамда киберхавфсизлигига таҳдид солувчи киберхатарларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш, кибержиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш каби муҳим вазифаларни бажаришлари лозим.<sup>12</sup>

Кибержиноятлар турли даврларда турлича ривож топган каби унинг доктринал ва расмий таърифлари турличадир. Хусусан, **Европа Кенгашининг 2001 йилдаги “Кибержиноят ҳақида”ги Конвенцияси**га асосан “кибержиноят кибемухитда содир этиладиган ҳар қандай жиноятдир<sup>13</sup>. Бу энг тўғри фикр, сабаби исталган бир технология ривожланиши мумкин, бироқ улар томонидан содир этиладиган қилмишларнинг барчаси кибемухитда содир этилади ва кибемухитга барча технологиялар иштироки бўлган ижтимоий хавфли қилмишлар бажариладиган жараёнларни қамраб оловчи муҳит киради. Олим “M.Gurcke”нинг фикрича, компьютер тизими, тармоғи, уларга уланадиган бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида компьютер тизими, тармоғи ёки компьютер ахборотига қарши кибемухитда содир этиладиган жиноятлар мажмуи кибержиноятдир<sup>14</sup>. Бироқ, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунларга асосан, телекоммуникациялар

---

<sup>12</sup> <https://iiv.uz/uz/news/kiberjinoyatchilikka-qarshi-kibergavfsizlik>

<sup>13</sup> ЕС от 23.11.2001 года «Конвенцию о компьютерных преступлениях». Будапешт, Серии европейских договоров - № 185. <https://rm.coe.int/1680081580>.

<sup>14</sup> M.Gurcke. Understanding Cybercrime: A Guide for Developing Countries. ITU. 2009.

тармоғи<sup>15</sup> ахборот тизими<sup>16</sup> ахборот<sup>17</sup> тушунчаларининг мазмун-моҳиятига асосан, телекоммуникация тармоғи компьютер тармоғи ҳисобланмайди ва факатгина компьютер ахбороти кибержиноятларнинг таркибини ташкил қилмайди, сабаби кибержиноятлар кибормухитда содир этиладиган ҳар қандай технологиялар ёрдамида содир этилиши мумкин. Олимлар К.Е.Зинченко, Л.Ю.Исмаилова, А.Н.Караханъян, Б.В.Киселев, В.В.Крылов, Я.М.Мастинский. Н.С.Полевой, Ю.Н.Соловьев, В.В.Хургин, С.И.Цветков олимларнинг фикрича, бу каби жиноятлар электрон ҳисоблаш машиналари орқали содир этилган жиноятдир<sup>18</sup>. Мазкур тушунча 1994 йилда берилаётганлиги орқали таъкидлашимиз жоизки, Ўзбекистон тарихи нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060–ХII-сон Қонуни<sup>19</sup> айнан 1994 йилда қабул қилинганлиги сабабли ҳам мазкур тушунча вақт нуқтаи назаридан тўғри талқин қилинган. Олимлар Н.Салаев ва Р.Рўзиев ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи, бевосита компьютер воситалари орқали ёки ахборот технологиялари воситасида содир этиладиган қонунга хилоф ижтимоий хавфли қилмишни ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардир деб атаб, унга компьютер жиноятчилиги синоним эканлигини таъкидлашади. Шунингдек, компьютер тизими, тармоғи, шунингдек, уларга уланадиган

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-І-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 2-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда.

<sup>18</sup> К.Е.Зинченко, Л.Ю.Исмаилова, А.Н.Караханъян, Б.В.Киселев, В.В.Крылов, Я.М.Мастинский. Н.С.Полевой, Ю.Н.Соловьев, В.В.Хургин, С.И.Цветков. Компьютерные технологии в юридической деятельности. Учебное и практическое пособие. –М.: издательство “БЕК”. 1994 г., –с. 304.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060–ХII-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 74-модда, 9-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 555-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.

бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида ҳамда компьютер тизими, тармоғи ёки компьютер ахборотига қарши кибермухитда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни кибержиноят деб баён қилишиб, юқоридаги жиноятларни кибержиноятдан фарқли жиноят деб таъриф беришади<sup>20</sup>.

Маълумки, кибермухит компьютер жиноятчилигига ҳам бўлади, ҳатто Европа Кенгашининг 2001 йилдаги “Кибержиноят ҳақида”ги Конвенциясининг рус тилидаги матнiga назар ташласак баъзи ҳолатларда унинг компьютер жиноятчилиги тўғрисидаги Конвенция деган таржимасига ҳам гувоҳ бўламиз<sup>21</sup>. Мазкур ҳолатни янада аниқроқ тушуниш учун битта ҳолатни кўриб ўтайлик, ЖКнинг 169-моддасининг 3-қисми “б”-бандида назарда тутилган компьютер техникаси орқали содир этиладиган ўғрилик жиноятини амалга ошириш учун кибермухит, яъни виртуал муҳит бўлиши керак, яъни ўғрилик содир қилишдан олдин жиноятчи жабрланувчининг пул маблағлари сақланаётган картасининг паролига эга бўлади ҳамда телекоммуникация ёки Интернет тармоғи ёхуд бошқа тармоқдан фойдаланиб ўзининг қилмишини содир этади. Айнан мана шу жараёндаги муҳитни биз кўз билан кўролмаймиз, қўл билан ушлолмаймиз, аммо жабрланувчининг картасидаги кодни териб, қандай қилиб жиноятчи ушбу маблағларга эга бўлишини англай оламиз. Бу муҳит эса, кибермухит дейилади. Шунингдек, бунда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган ҳолда, унда компьютер техникасининг тушунчаси кўрсатиб ўтилмаган ва у техник имкониятлари нуқтаи назаридан ўзида бошқа ахборот технологияларини қамраб ололмаслигини, бироқ ахборот технологияси барча компьютер технологияларини, тизимини, тармоғини ҳам қамраб олишини инобатга олиш зарур. ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддасига асосан, жиноят ва жазо қонунийлик

---

<sup>20</sup> Н.С.Салаев, Р.Н.Рўзиев. Кибержиноятчиликка қарши қурашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография., – Т.: ТДЮУ, 2018, 139-б.

<sup>21</sup> <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/185>.

принципига амал қилиши лозимлигини кўрсатади. Юқоридагиларга асосан, мазкур олимларнинг фикри ҳам техник, ҳам доктринал, ҳам хуқуқий жиҳатдан фикримизча ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ. Глобал тармоқ жиноятчилиги тушунчаси унга қадар мавжуд бўлган “компьютер жиноятчилиги” тушунчаси билан тўла мос келмайди ва шунга кўра мазкур жиноятчилик тури бугунги кунда “кибержиноятчилик” тушунчаси билан аталиб келинмоқда. Халқаро илмий ва хуқуқий амалиётда дастлаб “компьютер жиноятчилиги” тушунчаси, кейинчалик “компьютер билан боғлиқ жиноят”, “компьютер орқали жиноят содир этиш”, “электрон жиноятчилик” ва “юқори технологиялар жиноятчилиги”, “виртуал жиноятчилик” тушунчалари ишлатилиб, бугунга кунга келиб эса “кибержиноятчилик” ёки глобал тармоқ жиноятчилиги атамаси қўлланилмоқда.

Интернет глобал тармоғи орқали содир этилган жиноятчилик чегарасини аниқ белгилаш ва унга қарши курашда хос ёндашув зарур эканлигини тушунтириш бўлган деб олим И.Тораходжаева кибержиноятчиликнинг компьютер жиноятчилигидан кенгроқ тушунча ҳисобланишини таъкидлаб ўтади<sup>22</sup>. Кибержиноятлар тушунчасининг вақтга нисбатан ўзаро боғлиқлигини яна 1979 йилда Даллас адвокатлар асоциациясининг конференцияси томонидан дастлаб компьютер жиноятларининг асосий белгилари ўша пайтдаги мавжуд ахборот-коммуникация технологияларининг техник имкониятлари юзасидан белгиланганилиги орқали таъкидлашимиз мумкин<sup>23</sup>.

Олим Л.Кочкина кибержиноятчиликни “компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятлар”, “ахборот жиноятлари”, “компьютер ускуналари билан боғлиқ жиноятлар”, “юқори технологиилар компьютерларидаги жиноятлар”, “ахборот соҳасидаги жиноятлар” деб<sup>24</sup>, Т.Бородкина ушбу

<sup>22</sup> И.Тораходжаева. Ўзбекистонда интернет тармоғи орқали содир этиладиган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари // – Т.: Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. илмий-амалий журнали. 2019 (03)-сон. 128-132 б.

<sup>23</sup> В.А.Широков, Е.В.Беспалова. Киберпреступность: история уголовно-правового противодействия. – М.: “Информационное право”, 2006, № 4. <http://center-bereg.ru/h1846.html>.

<sup>24</sup> L.Kochkina. Definition of the concept “cybercrime”. Selected types of cybercrime // Сибирские уголовно - процессуальные и криминалистические чтения. 2017. №3 (17). –с 2.

жиноятларни ахборот соҳасидаги жиноят деб атаганди<sup>25</sup>. Олим И.М.Рассолов эса, ушбу тоифадаги жиноятларни жиноят қонунчилигига алоҳида жиноят сифатида кўришни таклиф қиласди<sup>26</sup>. Ш.Толмасовнинг фикрича кибержиноят инсонлар томонидан жиноят мақсадида ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланишдир<sup>27</sup>. В.А.Дуленко, Р.Р.Мамлев, В.А.Пестриковнинг фикрича, “кибержиноят” бу компьютер тармоғидан фойдаланиб содир этилган ҳар қандай жиноят, яъни электрон мухитда содир этилган ҳар қандай жиноятдир<sup>28</sup>. И.Г.Чекунов ушбу жиноятни компьютер ва мобил (уяли) алоқа воситаларига қилинган жиноятдир деб атаган<sup>29</sup>. Олим В.А.Номоконовнинг фикрига кўра, кибержиноятлар компьютер жиноятларига қараганда анча кенгдир ва ахборот маконида улар жиноят феноменини аниқ акс эттирилади<sup>30</sup>. Бунга ўхшаш фикрларни И.В.Раманов ҳам таъкидлаб ўтади<sup>31</sup>. Ушбу ҳолатни О.А.Кузнецова тушунтиришга ҳаракат қилиб, кибержиноятчилик компьютердан ташқари, бошқа ахборот технологиялари ва интернет тармоқлари орқали ҳам содир этилганлиги учун ҳам кенг тушунчалигини таъкидлаб, компьютер жиноятчиликини фақатгина электрон қурилмалар ва уларда сақланаётган маълумотларга қарши қаратилган бўлади деб тушунтириш берган<sup>32</sup>. Шу каби фикрлар “urist.one” веб сайтида ҳам қайд этилган бўлиб, унга асосан кибержиноят - электрон соҳада компьютер тизимлари ёки тармоқлари ёрдамида ёхуд уларга қарши қаратилган ҳар қандай жиноятдир<sup>33</sup>. Компьютерлар томонидан моделлаштирилган, инсонлар,

<sup>25</sup> Т.Н.Бородкина, А.В.Павлюк. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2018. –135- 137 с.

<sup>26</sup> И.М.Рассолов. Право и Интернет. Теоретические проблемы. –М.: Изд-во НОРМА, 2003. –251-253 с.

<sup>27</sup> Ш.Толмасов. Глобал макондаги кибержиноятчилик. Манба: <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-29121-1.html>.

<sup>28</sup> В.А.Дуленко. Использование высоких технологий криминальной средой. Борьба с преступлениями в сфере компьютерной информации: учебное пособие. Уфа, 2007. – с. 27.

<sup>29</sup> И.Г.Чекунов. Киберпреступность: понятие и классификация // Российский следователь. 2012. № 2. – 37-44 с.

<sup>30</sup> В.А.Номоконов/ Киберпреступность, как новая криминальная угроза / В.А. Номоконов, Т.Л. Тропина // Криминология. Вчера. Сегодня. Завтра. 2012. №1 (24). – с. 47.

<sup>31</sup> И.В. Романов. Понятие киберпреступлений и его значение для расследования // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2016. №5 (13). –106 с.

<sup>32</sup> Третий пермский конгресс ученых-юристов : материалы междунар. науч.-практ. конф. Пермь, 12 окт. 2012 г. / отв. ред. О.А. Кузнецова. – Пермь : Перм. гос. нац. иссл. ун-т, 2012. – 289 с.

<sup>33</sup>Urist.опевебсайтидан:Киберпреступление.<https://urist.one/dolzhnostnyeprestupleniya/kiberprestupnost/.html>.

объектлар, ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнлар түғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, математик, рамзий ёки бошқа ҳар қандай маънода ифодаланган, маҳаллий ва глобал компьютер тармоқларида ҳаракат қиласидиган ёки ҳар қандай жисмоний ёхуд виртуал қурилма хотирасида сақланадиган маълумотлар, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш учун маҳсус ишлаб чиқилган дастурлар орқали содир этиладиган ҳар қандай жиноятни олим А.В.Федоров кибержиноят деб атайди<sup>34</sup>.

Юқорида олимлар фикримга қўшимча тарзда шуни айтиб ўтишимиз лозимки, мамлакатимиз жиноят қонунига кибержиноят тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Умумлаштириб шуни айтишимиз мумкинки **кибержиноят** деб ахборот хавфсизлигига таҳдид соловчи, бевосита компьютер воситалари орқали ёхуд электрон технологиялар ёрдамида интернет тармоғи орқали содир этиладиган қонунга хилоф ижтимоий хавфли қилмишга айтилади.

## 1.2. Кибержиноятлар таснифи

Кибержиноятларнинг сони ва салмоғи турлича бўлганлиги сабабли уларнинг турларини таснифлашда ҳар ким ҳар хил ёндашади хусусан, Интернет фирибгарлиги молиявий маълумот ёки банк картаси маълумотларини ўғирлаш корпоратив маълумотларни ўғирлаш ва сотиш, кибертовламачилик, криптоджекинг, кибержосуслик каби турларга эга эканлигини, шу сабабли уларни иккита групга компьютерларнинг ўзига қаратилган кибержиноятлар ва компьютердан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган кибержиноятлар<sup>35</sup>.

<sup>34</sup> А.В.Федоров. Информационная безопасность в мировом политическом процессе. – М.: МГИМО-Университет, 2006. – 11 с.

<sup>35</sup> <https://www.kaspersky.ru/resource-center/threats/what-is-cybercrime>.

Биз бу борада ҳақиқатан ҳам кибержиноятларнинг иккита гурухга ажратиш билан фикрларга қисман қўшилиш зарур деб ҳисоблаймиз, сабаби кибержиноятдан кўзланган асосий мақсад иккинчи тарафга моддий ва маънавий, сиёсий ва бошқа турдаги заарар етказиш ҳисобланади ва бунда кибержиноятчи ўзининг қабиҳ мақсадига кибертехнологиялардан фойдаланиб юқоридаги мақсадига етишни кўзлади ёки иккинчи тарафнинг кибертехнологияларини йўқ қилиш орқали уни кучсизлантириш ва шу орқали ўзига тобе қилишга ҳаракат қиласди, аниқроқ айтадиган бўлсак, *киберқотиллик, киберсуицид, киберфиригарлик, киберўғрилик, киберпорнография, киберзўравонлик, киберэкстремизм ва бошқа кибержиноятлар* орқали кибержиноятчи иккинчи тарафга кибертехнологиялардан фойдаланиб жабрланувчининг ахборот-коммуникация технологияларини заарсизлантиришни кўзламайди, балки шахсни, жамиятни ўзига қаратиш ва тобе қилишга ҳаракат қиласди, кибертерроризм, киберагressия, компьютер модификацияси, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равища (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер саботажи ва бошқа кибержиноятларда эса, кибержиноятчи иккинчи тарафнинг кибертехнологияларига заарар келтириш ва уларни йўқ қилишни мақсад қилиб олади. “Tadviser” компаниясининг фикрича кибержиноятлар спам, мақсадли фишинг, PDF-хужум, қидирув тизимини оптималлаштиришни заарлаш, ишлаш қобилиятини йўқотиш каби турларга эга<sup>36</sup>.

Юқорида баён этилган жиноятларни таснифлар эканмиз қонунчилигимизга қуйидаги атамаларнинг тарифи киритилиши лозим деб ўйлаймиз.

**киберсуицид** – кибертехнологиялар орқали кўндириш, алдаш ёки бошқа ўйл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйфотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш;

---

<sup>36</sup> Киберпреступность в мире. 2020 г., <http://www.tadviser.ru/index.php>

**кибертахдид** – кибертехнологиялар орқали шахсни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш;

**киберпорнография** – порнографик маҳсулотни кибертехнологиялар ёрдамида тайёrlаш, Республика ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, фойдаланиш, тарғиб қилиш;

**кибераггрессия** – кибертехнологиялар орқали босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш;

**кибертероризм** - кибертехнологиялар орқали халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли мажаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга оширишга бўлган таҳдид, вазиятни бекарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд.

**кибертоламачилик** – жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни кибертехнологиялар орқали ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан кибертехнологиялар орқали мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш;

**киберталончилик** – кибертехнологиялар орқали ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилиш;

**киберўзлаштириш ёки киберрастрата** – айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини кибертехнологиялар орқали ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш;

**киберфиригарлик** – кибертехнологиялар орқали алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган хукуқни қўлга киритиш;

**киберўғрилик** – кибертехнологиялар орқали ўзганинг мол-мулкини яширин равища талон-торож қилиш.

Ушбу атамаларнинг киритилиши келгусида ушбу турдаги жиноятларнинг тергов қилинишида ҳамда уларга қарши курашища ўзининг ижобий томонларини намоён этади деган умиддамиз.

Кибержиноятларни турларга ажратиш ва уларни таснифлар ёрдамида содир этилган ёки содир этилиши режалаштирилаётган кибержиноятлар ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиш учун уларни турларга ажратиш ва шу орқали уларнинг мазмун-моҳиятини ўзаро тизимлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, кибержиноятларнинг содир этилиш қуроли ёки воситаси бўлган ахборот-коммуникация технологияларини бугун шу номда атай олишимиз мумкин, бироқ кейинчалик уни қандай ном билан айтишимиз мумкин, бугунги кунда у соҳадаги барча тушунчаларни ўзида қамраб олар, аммо соҳанинг ривожи ушбу тушунчанинг кейинчалик ҳам ўзгармаслигини ҳеч ким кафолатлай олмаслигини, кибержиноятлар кибермухитда содир этилишини ва барча ахборот-коммуникация технологияларини кибержиноятларнинг содир этилиш қуроли ёки воситаси бўлади деб айта олмаймиз, мисол учун телевидения ёки радио ҳам ахборот-коммуникация технологияси ҳисобланади, бироқ улардан фойдаланиш орқали содир этилган жиноятларни биз доим ҳам кибержиноятлар деб айта олмаймиз, мисол учун биронта шахснинг жинояти билан боғлиқ лавҳаларни унинг яқинларидан бири

кўриши ёки эшитиши орқали ушбу шахсга етказилган руҳий зўриқишини биз жиноят деб айта олмаймиз, сабаби бу лавҳаларни кўрсатиш орқали лавҳа тайёрловчи жиноятчи деб гумон қилинаётган шахснинг яқинига руҳий зўравонлик ўтказишни мақсад қилмаган бўлади, мақсад қилган тақдирда у киберзўравонлик бўлади<sup>37</sup>.

Кибержиноятларнинг таснифланиши юзасидан олимлар ҳам турлича фикр билдиришади, хусусан, олим Э.Л.Кочкинанинг фикрига асосан, кибержиноятлар молиявий кибержиноятлар, киберпорнография, кибергиёхвандлик савдоси, кибертероризм, инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари ва еркинликларига оид кибержиноятлар, компьютер маълумотлари соҳасидаги жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот технологияларига оид кибержиноятлар, иқтисодиёт ва иқтисодий соҳадаги жамоатчилик билан алоқалар билан боғлиқ кибержиноятлар, давлат ҳокимияти соҳасидаги жамоатчилик билан алоқаларга оид кибержиноятлар, соғлиқни сақлаш ва жамоат ахлоқи соҳасидаги жамоатчилик билан алоқаларга оид кибержиноятларга ажратилади<sup>38</sup>.

Бошқа олимлар эса, кибержиноятларни молиявий йўналтирилган, шахсий ҳаёт билан боғлиқ кибержиноятлар, ижтимоий ва сиёсий мотивдаги кибержиноятларга ажратади ҳамда молиявий йўналтирилган кибержиноятларга фишинг, кибертолвамачилик, молиявий фирибгарлик, шахсий ҳаёт билан боғлиқ кибержиноятларга заарли тармоқ, электрон почта, веб-сайт, асбоб-ускуналар, сохта тармоқ, симсиз тармоқ, вирус, ижтимоий ва сиёсий мотивдаги кибержиноятларга миллий, ирқий, этник, жинсий нотенгликка нисбатан содир этиладиган жиноятларни киритади<sup>39</sup>

П.С.Титованинг фикрича, кибержиноятлар электрон ва компьютер фирибгарлиги, банк ҳисоб вараги ва картасидаги пулларни ўғирлаш, маълумотлар базасига ҳужум қилиш ва ўғирлаш, хаккерлик ҳужумлари,

<sup>37</sup> А.У.Анорбоев Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари .:T-2020

<sup>38</sup> Э.Л.Кочкина. Определение понятия «Киберпреступление». Отдельные виды киберпреступлений // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2017. №3 (17). – С. 162-169.

<sup>39</sup> [https://internetpolicy.kg/literacymodule/course\\_2/module1/glava1\\_2.html](https://internetpolicy.kg/literacymodule/course_2/module1/glava1_2.html).

вирусларни тарқатиш, телефондаги сўзлашувларни ноқонуний эшитиш, шахсий ҳаётга аралашиш, интеллектуал мулкни ўзлаштириш каби турларга бўлинади<sup>40</sup>.

Наре Смбатяннинг фикрича эса, кибержиноятлар иқтисодий компьютер жиноятчилиги, инсонларнинг конституциявий ҳуқук ва эркинликларига қарши қаратилган кибержиноятлар, давлат ва жамият хавфсизлигига қарши қаратилган кибержиноятларга бўлинади<sup>41</sup>.

Н.Лимож ва М. Косовичнинг фикрича кибержиноятлар компьютер маълумотлари ва тизимларининг конфиденциаллиги, яхлитлиги ва мавжудлигига қарши қаратилган кибержиноятлар, компьютерларга бевосита алоқадор кибержиноятлар, таркиб мазмуни билан боғлиқ кибержиноятлар, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ кибержиноятларга бўлинади<sup>42</sup>.

Д.В.Пашнев эса, кибержиноятларни компьютер техникасидан фойдаланиб компьютер технологияларига қарши қаратилган кибержиноятлар, компьютер технологияларини такомиллаштиришга қаратилган автоматик кибержиноятларга ажратади<sup>43</sup>.

Э.С.Шевченко кибержиноятларни мулкка қарши қаратилган кибержиноятлар, яъни электрон тўлов воситалари ва тизимларидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик, электрон тўлов воситалари ва тизимларидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик, электрон тўлов воситалари ва тизимларидан фойдаланган ҳолда ўғрилик, иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар (жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш, ноқонуний тадбиркорлик), яъни электрон тўлов воситалари ва тизимлари ёрдамида ноқонуний олинган даромадларни легаллаштириш, ноқонуний тадбиркорлик, компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятлар, яъни электрон тўлов

<sup>40</sup> П.С.Титова. Киберпреступность: понятие, виды и способы борьбы с ней. Курсовая работа по дисциплине «Электронный бизнес». – Краснадар. 2019 г., – С.10.

<sup>41</sup> Наре Смбатян. Киберпреступления и их типы. 2017 г., <https://enlightngo.org/language/ru/post/8564>.

<sup>42</sup> Н.Лимож, М.Косович. Киберпреступления: особенности совершения и предупреждения. <http://bii.by/tx.dll?d=301093&a=10>.

<sup>43</sup> Д.В.Пашнев. Криминалистическая классификация преступлений, совершаемых с использованием компьютерной техники. Симферополь: Доля, 2004. С. 164 – 166.

тизимларининг ахборот обьекти бўлган компьютер маълумотларига ноқонуний кириш, электрон тўлов тизимларида ёки электрон тўлов усулларида ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган заарли дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш ва тарқатиш, давлат ҳокимиятига, давлат хизматини ва маҳаллий бошқарувдаги хизматга қарши жиноятлар (электрон тўлов воситалари ва тизимлар орқали пора бериш; электрон тўлов воситалари ва тизимлар орқали пора олиш)га ажратади<sup>44</sup>.

Ю.Газизованинг фикрича, кибержиноятлар фишинг, кардинг, СМС-фишинг, Интернет-фишинг, вишинг, скимминг, шиминг, онлайн-фирибгарлик, пиратство-қароқчилик, мальваре, ноқонуний контент-таркиб, рефайлинг каби турларга бўлинади<sup>45</sup>.

Т.Л.Тропинанинг фикрича, кибержиноятлар маълумотлар махфийлигини бузиш, компьютер ва компьютер тармоқларига рухсатсиз кириш, тижорат сири бўлган маълумотларнинг махфийлигини бузиш, компьютер фитнаси (ишлашга халақит бериш, маълумотларни ўзгартириш, йўқ қилиш ва хк), иқтисодий киберхужумлар (хусусан, компьютер фирибгарлиги) каби турларга бўлинади, шунингдек, уларни қуидаги кибержиноятлар ўзида қамраб оловчи умумий турларга бўлинади, хусусан, жисмоний хавфсизликка, ҳаёт ва инсон соғлиғига зарар етказувчи зўравон ёки бошқа хавфли кибержиноятлар, ахборотнинг махфийлигига тажовуз қилувчи жиноятлар - маълумотларга зарар етказмасдан компъютерларга ёки компьютер тизимларига ноқонуний кириш, маълумотларнинг бузилиши ва маълумотлар яхлитлиги ва компьютер тизимларининг хавфсизлигига тажовуз қилишдан иборат бузувчи киберхужум. Бундай жиноятлар мулкка зарар етказиши мумкин, аммо улар маълумот, маълумот, пул ўғирлаш билан боғлиқ

<sup>44</sup> Е.С.Шевченко. Тактика производства следственных действий при расследовании киберпреступлений Специальность: 12.00.12 – криминалистика; судебно-экспертная деятельность; Оперативно-розыскная деятельность. Диссертация на соискание учёной степени кандидата юридических наук. – М.2016 г., 47-48.

<sup>45</sup> Ю.Газизова. Киберпреступность в Украине. Эра цифровых технологий – эра новых преступлений. [https://uz.ligazakon.ua/magazine\\_article/EA013606](https://uz.ligazakon.ua/magazine_article/EA013606).

бўлмайди, мулкка, мулкий ҳуқуқларга, шунингдек маълумотларга ва муаллифлик ҳуқуқларига тажовуз қилувчи жиноятлар, жамият ахлоқига тажовуз қилувчи кибержиноятлар, жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи кибержиноятлар, бошқа кибержиноятларга имкон берувчи кибержиноятлар, “компьютерда ишлов бериш”, яъни анъанавий кибержиноятлар, уларни амалга оширишда орқали бошқа компьютер жиноятчилиги учун шарт-шароит яратилади, унга компьютер тармоклари орқали амалга ошириладиган ва қонун билан қўриқланадиган турли хил обьектларга тажовуз қилиш кибержиноятлари киради. Бу гуруҳга турли хил жиноятлар киради, аммо уларнинг ҳаммаси компьютер технологияларидан фойдаланмасдан содир етилиши мумкинлиги белгиси билан бирлаштирилган, бошқа ахборот технологиялари ёрдамчи вазифа ўйнайдиган кибержиноятлар саналади<sup>46</sup>.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳининг фикрича, кибержиноятлар Интернетдаги фирибгарликлар, хусусан, Интернетда “молиявий пирамидалар” яратиш, Интернет орқали ёки онлайн аукционлар савдосидаги фирибгарликлар, молиявий, тижорат ёки шахсий маълумотларни ўғирлаш учун дастурий воситаларни яратиш бўйича фаолият (сохта веб сайтларни яратиш, компьютер вируслари ва троян дастурларининг тарқалиши, трафикка тўсқинлик қилиш ва бошқалар), масофавий банк хизматларига оид фирибгарликлар, хусусан, хизмат кўрсатувчи банкнинг дастурий таъминоти ёрдамида мижознинг компьютеридаги ахборотларни яширинча ушлаб туриш учун компьютер вируслари ва троянларни яратиш, банкдаги ҳисобваракларни очиш, рухсатсиз операцияларни амалга ошириш ва узоқ банк тизимларида рухсатсиз операцияларни амалга ошириш орқали нақд пул олиш, бошқа тўловларни хорижий жўнатувчилар орқали амалга ошириш, “СВИФТ” халқаро тизими, хорижий банк муассасалари мижозларининг

---

<sup>46</sup> Т.Л.Тропина. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно-правовые меры борьбы. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук Тропина, Татьяна Львовна. Владивосток. 2005 г., – С.10., 17

компьютерлари ва банк тизимлари ишига аралашиш, тўлов карталарини қалбакилаштириш ва банкоматларнинг фирибгарлиги, хусусан, йўқотилган, ўғирланган, сохта тўлов карталаридан фойдаланиш билан боғлиқ кибержиноятлар, “клонлаш”га оид техник воситалардан фойдаланган ҳолда банк тўлов карталаридаги маълумотларни ўғирлаш, скимминг, тўлов картасининг магнит тасмасидан маълумотларни ўқиш, нусхалаш ва унинг ПИН-кодини олишга ихтисослашган асбобларни ишлаб чиқариш, сотиш ва банкоматларга ўрнатиш, тўлов картасини “клонлаш” (сохталаштириш) ва банкоматлардан нақд пулларни олиш учун “оқ пластик”-сохта пластик картадан фойдаланиш, транзакцияни бекор қилиш фирибгарлиги, нақд пул олиш каби жиноятларга бўлинади<sup>47</sup>.

“Кибержиноятчилик тўғрисида”ги Будапешт Конвенциясига асосан, кибержиноятларга Интернет ва бошқа компьютер тармоқлари орқали содир этилган жиноятлар, муаллифлик ҳукуқларининг бузилиши, компьютер фирибгарлиги, болалар порнографияси ва тармоқ хавфсизлигини бузиш билан боғлиқ жиноятлар киради ва у ушбу жиноятларга қарши курашиш бўйича биринчи халқаро шартнома ҳисобланади<sup>48</sup>.

Юқоридаги фикрларга қўшилган тарзда шуни таклиф сифатида айтиб ўтишимиз мумкинки, қонунчиликка кибержиноятларни турларга ажратиб уларга муносиб таррзда жазо қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Кўришимиз мумкинки, хорижий мамлакатларда бир неча йиллар олдин бу тартибга солиб бўлинган. Шартли равишда қўйидаги турларга ажратишни таклиф этамиз:

- *шахсга қарши қаратилган кибержиноятлар;*
- *тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган кибержиноятлар;*
- *иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноятлар;*

<sup>47</sup> Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма. Киберпреступность и отмывание денег. 2014 г., – С.13-14. [https://eurasiangroup.org/files/Typologii%20EAG/Tipologiya\\_kiber\\_EAG\\_2014.pdf](https://eurasiangroup.org/files/Typologii%20EAG/Tipologiya_kiber_EAG_2014.pdf).

<sup>48</sup> Будапештская конвенция. 2001 г., <https://www.coe.int/ru/web/impact-convention-human-rights/convention-oncybercrime>

- жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши кибержиноятлар

- ахборот-коммуникация технологияларнинг қонуний муомаласига қарши қаратилган кибержиноятлар.

- ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши кибержиноятлар

Ушбу турларга ажратилиши бу жиноятларни аниқлашда ва тергов қилишда ўзини самарасини беради деган умиддамиз.

## **II БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **2.1. Кибержиноятларни тергов қилишни тартибга солувчи қонунчилик таҳлили**

Илмий-техника тараққиётининг ривожланиши глобал муаммолар қаторига янгидан-янги турлари билан тилга олинаётган кибержиноятларнинг кириб келишига сабаб бўлмоқда. Унинг бизга маълум бўлган вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бузиб кириш, кредит карта ва бошқа банк реквизитларидағи маблағларни ўзлаштириш, талон-торож қилиш, шунингдек, интернет орқали қонунга зид ахборотлар, хусусан, бўхтон, маънавий бузук маълумотларни тарқатиш билан башарият ҳаётига катта хавф солиб, жамиятга таҳдид солмоқда. Буларнинг олдини олиш мақсадида, Жиноят кодексига компьютер жиноятлари учун жавобгарликни белгиловчи бутунлай янги боб киритилган бўлиб, у билан боғлиқ жиноятларни содир этишга доир жараёнларни жиноий-хуқуқий тартибга солади.

Хусусан, кибержиноятларни тергов қилишни тартибга солувчи қонунчилик таҳлили ҳақида гапирап эканмиз аввало, бош қомусимиз ҳисобланмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси<sup>49</sup> ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишга доир қонунчилигимизни асоси ҳисобланади десак асло муболага бўлмайди. Конституциямизга мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш хуқуқига эга. Ахборот олиш факат қонунга мувофиқ ҳамда инсон хуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадрияtlари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

---

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/ru/docs/-20596?otherlang=1%20> (Мурожаат этилган сана 10.03.2021 йил).

Ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишни тартибга солувчи қонунчилик базасида бир қанча норматив хуқуқий ҳужжатларни кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабръда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни<sup>50</sup> қабул қилинган бўлиб, унда *ахборотлаштириши, ахборот ресурси, ахборот технологияси* каби тушунчаларга таъриф бериб ўтилган. Мазкур қонунда Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати, ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш, ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, миллий ахборот тизими ва халқаро ахборот тармоқларига уланиш каби муносабатларни тартибга солиши белгилаб берилган.

Шунингдек, 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 439-II-сонли “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” Қонунида<sup>51</sup> *ахборот, ахборот мулкдори, ахборотни муҳофаза этиши, маҳфий ахборот, оммавий ахборот* каби асосий тушунчаларга тариф бериб ўтилган бўлиб, бунда Ахборот эркинлигининг асосий принциплари, Ахборот эркинлиги кафолатлари, Ахборотни муҳофаза этиш, Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби ижтимоий муносабатлар тартибга солинган.

Хусусан, 2019 йил 2 июльда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 547-сонли “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунида Қонуннинг амал қилиши шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш чоғида қўлланиладиган ишлов бериш воситаларидан, шу жумладан ахборот технологияларидан қатъи назар юзага келадиган

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонун // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/acts/83472> (Мурожаат этилгансана.20.03.2021 йил)

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикаси “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/acts/5268> (Мурожаат этилгансана.20.03.2021 йил)

муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши айтиб ўтилган. Ушбу Қонуннинг амал қилиш доираси қуйидагиларни киритишимииз мумкин:

жисмоний шахс томонидан шахсга доир маълумотларга шахсий, майший мақсадларда ва ўз касбий ёки тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлов бериш;

Миллий архив фонди хужжатларини ва шахсга доир маълумотларни ўз ичига олган бошқа архив хужжатларини шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш;

давлат сирларини ташкил этадиган маълумотлар жумласига киритилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш;

тезкор-қидирув, разведка ва контрразведка фаолияти, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳукуқ-тартиботни сақлаш жараёнида, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш доирасида олинган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди<sup>52</sup>.

Шунингдек, 1992 йил 13 январьда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 512-ХII-сонли «Алоқа тўғрисида»ги Қонунида алоқа соҳасидаги муносабатларнинг обьектлари ва субъектлари, алоқа соҳасида давлат бошқаруви, ёзишма, телефон сўзлашувлари ва телеграф хабарларини сир сақлаш, алоқага доир қонунчиликка риоя этмаганлик учун жавобгарлик масалалари бериб ўтилган<sup>53</sup>.

Таъкидла ўтиш жоизки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги **Фармонида**<sup>54</sup> жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун // (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/acts/4396419> (Мурожаат этилгансана.20.03.2021 йил)

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси “Алоқа тўғрисида”ги Қонун // (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/acts/15674> (Мурожаат этилгансана.20.03.2021 йил)

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси) <https://www.lex.uz/acts/3107036> (Мурожаат этилгансана.20.03.2021 йил)

такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш вазифалари устувор этиб белгиланиб бунинг натижаси ўлароқ **«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси»**<sup>55</sup> ишлаб чиқилди. Унда технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта қўриб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз кераки, илк бора қонунчилигимизда кибержиноят атамасини шу ерда учратишимиз мумкин.

Жиноят конунчилигимизда олимларимиз ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар кодексимизга асосланиб шартли равишда **умумий ва маҳсус** турларга ажратишиб келишмоқда. Маҳсус ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга Жиноят кодексидаги **«XX<sup>1</sup> боб Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар»**ни киритишса, қолган моддаларда мавжудлари эса умумий ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар деб эътироф этилмоқда.

Ушбу турдаги жинотларни таҳлил этар эканмиз аввало, Жиноят кодексининг XX<sup>1</sup> бобига кирувчи **Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни** қўриб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Мазкур бобимиз еттида моддадан иборат бўлиб, **278<sup>1</sup>-модда Ахборотлаштириш қоидаларини бузишга доир жиноятларни тартибга солишга қаратилган бўлиб**, ушбу турдаги жиноятни содир этиш яъни ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда

---

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси // (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.10.2018-й., 06/18/5547/1975-сон) <https://lex.uz/docs/3735818> . (Мурожаат этилган сана 20.03.2021 йил)

ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса унга тегишли тартибда жазо тайинланиши белгиланган

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси **Жиноят кодексининг 278<sup>2</sup>-моддаси компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишида (рухсатсиз) фойдаланиши** ҳакида бўлиб, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишида (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, белгиланган тартибда жазо белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278<sup>3</sup>-моддаси **компьютер тизимидан қонунга хилоф равишида (рухсатсиз) фойдаланиши учун маҳсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш юзасидан бўлиб**, ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишида (рухсатсиз) фойдаланиш учун маҳсус дастурӣ ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш тушунилади.

**Жиноят кодексининг 278<sup>4</sup>-модда. Компьютер ахборотини модификациялаштириши жинояти бағишланган бўлиб**, унда компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишида ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, тегишлича жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **278<sup>5</sup>-моддаси**

**Компьютер саботажига доир бўлиб**, унда ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасдан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи) деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **278<sup>6</sup>-моддаси Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш юзасидан содир этиладиган айбли ижтимоий хавфли қилмиига қаратилган**. Бу Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек маҳсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасдан фойдаланиш ёки уларни қасдан тарқатишдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **278<sup>7</sup>-модда. телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишида (рухсатсиз) фойдаланиши** бўлиб, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишида (рухсатсиз) фойдаланиш. Шунингдек, мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маҳсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга хилоф равишида (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш.

Таклиф сифатида ЖКнинг XX<sup>1</sup>-бўлимини такомиллаштириш юзасидан айrim мулоҳазаларни баён этиш зарур, деб ўйлаймиз. Хусусан, ЖК 278-моддаси диспозициясида ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари атамаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабдан, **Жиноят кодекси 278-моддаси 1-қисмидаги “ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари” сўзларини “компьютер техникаси**

**воситаси**, унинг тизими ёки тармоғи” жумласи билан тўлдириши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, ушбу бобда мавжуд бўлган 278<sup>5</sup>-моддаси 1-қисмини Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасдан ишдан чиқариш, худди шунингдек **компьютер тизими ёки тармоғи ишини бузиш мақсадида компьютер ахборотини қасдан йўқ қилиб юбориш** (компьютер саботажи) шаклида тўлдирилиши ўринли бўлар эди.

Бугунги технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ЖКнинг XX<sup>1</sup>-боби кибержиноятларнинг тўлиқ таркибини қамраб ололмайди. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси, халқаро доирада тан олинган конвенциялардаги тавсиялар ва бугунги глобал жараёнлардаги ахборот хуружларини таҳлил қилган ҳолда, ЖКда айрим турдаги кибержиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқдир. Даставвал, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган Жиноят кодексимизда мавжуд нормаларни келтириб ўтсак.

Жумладан, Жиноят кодекси **103-модда** 2-қисм “Г” банди “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш”; **103<sup>1</sup>-модда** 2-қисм “В” банди “Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш”; **130-модда** “Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш”; **130<sup>1</sup>-модда** “Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш”; **139-модда** “Туҳмат”; **140-модда** “Ҳақорат қилиш”; **158-модда** “Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш”; **167-модда** ““Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талонторож қилиш” 3-қисм «Г» банди”; **168-модда** ““Фирибгарлик 2-қисм “В” банди”; **169-модда** ““Ўғрилик” 3-қисм “Г” банди”; **188<sup>1</sup>-модда** “Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият”; **244-модда** “Оммавий тартибсизликлар 2-қисм “Б” банди”; **244<sup>1</sup>-**

**модда** “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёrlаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш 3-қисм “Г” банди”; **244<sup>5</sup>-модда** 2-қисм “Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш”; **244<sup>6</sup>-модда** “Ёлғон ахборот тарқатиш; **278-модда** 4-қисм “Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш”.

Юқорида бериб ўтилган жиноят қонунчилигимиз шуни қўрсатмоқдаки, мавжуд барча кибержиноятлар Жиноят кодексимизда ўз аксини топмаган. Барча учун маълум бўлиб улгурган “**кибер**” атамасини таҳлил қилган моддаларимиз ўз аксини топиши ўринли бўлар эди.

Жумладан, Жиноят кодекси 103-моддасининг “Г” банди ва 103<sup>1</sup>-моддасидаги “в” бандларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998-йил 11-сентабръдаги 20-сонли “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига **киберсуицид** атамаларининг киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Худди шундай шаклда 130-моддага **киберпорнография**; 139-модда **кибертуҳмат**; 140-модда **киберҳақорат**; 167-модда **киберрастрата**, 168-модда **киберфирибгарлик**; 169-модда киберўғрилик; 278-киберқимор атамаларининг киритилиши мақсадга мувофиы бщлар эди.

Бугунги кунда мобил курилмаларни ишлатмайдиган, улар орқали бевосита ёзишмалар олиб бормайдиган инсон бўлмаса керак. Шу сабабдан, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш; хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш жинояти Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 143-моддасида назарда тутулган бўлиб, унга кўра, маъмурий жазо кўлланилгандан кейин хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасдан бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бизга маълумки, ушбу

турдаги жиноят учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сирсақланиши тартибини қасдан бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

**Таклиф сифатида шуни айтишимиз мумкинки, ҳар қандай шахсий маълумот бугунги кунда инсоннинг ор номусини белгилаб бермоқда. Амалиётда кўришиимиз мумкинки, ижтимоӣ тармоқ фойдаланувчилари ўзганинг шахсий маълумотларидан гаразли мақсадларда фойдаланишимоқда. Шу сабабдан айтишимиз лозимки, биринчи бор содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ўзидаёқ жиноий жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

Бугунги кунда мамлакатимизда ЖКнинг 169-моддаси З-қисми “б” банди “компьютер тизимига рухсатсиз кириб “та доир жиноятлар қўплаб содир этилмоқда. Буни бир қанча қуйида интернет манбаларида эълон қилинган хабарлардан билиб олишимиз мумкин. Хусусан, Тошкентда бир нечта пластик карталардан умумий миқдорда 10,5 млн сўмни ўғирлашда айбланаётган 20 ёшли И. М. кўлга олинди, дея хабар берди Ички ишлар вазирлиги Тергов бошқармаси матбуот хизмати. Бошқарма хабарига кўра, 2020 йил 29 майдан 9 июнга қадар, И.М. Кўйлик бозори ҳудудидаги банкоматлар ёнида бўлган ва етти фуқарога пулни ечиб олишда ёрдам беришга ваъда берган. Бунинг натижасида у ўз телефон рақамига СМС-маълумот хизматини улаган ва карталарга кириш кодини сақлаган. Кейинчалик у яширинча пул ечиб олиб, карта эгаларининг ҳисобларидағи пулларни сарфлаган. Тегишли тартибда Бектемир туманидаги ИИО ФМБ 2-сонли тергов бўлими И.М.га нисбатан Жиноят кодексининг 169-моддаси З-қисми (ўғирлик) билан жиноят иши қўзғатилган. Тергов харакатлари якунига кўра, жиноят иши айблов хulosаси билан тегишлилиги бўйича судга юборилган<sup>56</sup>.

---

<sup>56</sup> Латипов.Ш Тошкентда пластик карталардан пул ўғирлаган шахс хибсга олинди // <https://www.gazeta.uz/uz/2020/08/03/qalloblik/>

Бухоро шаҳри Қизилқум кўчасида яшовчи Гулноза Б. (исм-фамилияси ўзгартирилган) 9 май куни Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида “Telegram” мессенжерида “Ipoteka\_Bank\_ATIB\_(official)” ботга ўзининг пластик картаси учун микрокредит расмийлаштириш учун мурожаат қилган. Бот автомат равишда унинг саволларига жавоб бериш билан бир қаторда, Гулноза Б.нинг пластик карта рақамлари, маҳсус коди ҳамда ушбу пластик картани бошқарадиган мобил алоқа оператори рақамлари ва қўшимча маҳсус кодларни автомат равишда аниқлаб олганлигини, ушбу пластик карта ҳисобидаги 3 627 500 сўм пул ҳамда ушбу пластик карта учун 1 600 000 сўм миқдоридаги кредитни расмийлаштириб, жами 5 227 500 сўм миқдоридаги пуллар ўғирлаб олинганини билдирган ва мазкур шахсни аниқлаб, пуллари қайтарилишида ва қонуний чора кўрилишида амалий ёрдам сўраган. Ариза юзасидан олиб борилган тезкор-техник текширувлар ва тузоқ дастурлари натижасида 1999 йилда туғилган, Гулистон давлат университети талабаси, Фаргона вилояти, Риштон туманида яшовчи Жасур О.га (исм-фамилияси ўзгартирилган) алоқадор бўлган виртуал ҳисоб рақамларга келиб тушганлиги аниқланди. Гумонланувчи Жасур О. ўзининг содир қилган жиноятини яшириш мақсадида қўлга киритилган пулларни конвертация иловаларидан фойдаланган ҳолда Қозоғистон Республикасининг турли рақамларига рўйхатга олинган “Qiwi” ҳамёнларига электрон валютани айирбошловчилар ёрдамида жўнатганлиги, шундан сўнг ушбу пулларни 1Xbet, Melbet букмейкерликка асосланган фаолиятлар орқали Ўзбекистон Республикасига қайтиб киритиб, бошқа бир қатор операциялар билан ўғирланган пулларни ўзининг виртуал ҳисоб рақамлари орқали нақдлаштириб олган. Жасур О.нинг барча ҳисоб рақамлари текшириб қўрилиб, у билан суриштирув жараёнида, унга Республиканинг турли ҳудудларидан кўплаб фуқаролар мурожаат қилганлиги, тахминан жами бўлиб 30 миллионга яқин пулларни фуқароларнинг пластик карталаридан ўғирлаб олганлиги, барча ҳаракатларни мобиль телефони орқали амалга ошириб келганлигини билдириди. Жасур О.нинг 1 дона қўл телефони ҳамда 4

дона пластик картаси далилий ашё сифатида ҳужжатлаштириб олиниб, тўпланган ҳужжатлар Бухоро шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ ҳузуридаги тергов гурухига топширилди, деб хабар берди ИИВ Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармаси<sup>57</sup>.

Бу нарса шуни англатадики, бугунги кунда ушбу киберўғирлик жинояти кундан кунга кўрайиб бормоқда. Шу сабабдан ушбу турдаги киберўғирлик жиноятини ЖКнинг 169-моддаси З-қисмидан, ЖКнинг **169-моддаси 4-қисмининг “б” бандига** жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро кучайтирилган тартиб, ушбу турдаги жиноятларнинг камайишига сабаб бўлса.

Шунингдек, бугунги кунда гиёҳванд моддалар савдоси Интернет тармоғи орқали ҳам жуда кўплаб миқдорда сотилаётганини кўришимиз мумкин. Тошкент шаҳар ИИБ жиноят қидирув ходимлари Интернет тармоғи орқали тарқатилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ 2020 йилда 41 та фактни фош этишди. Кўпчилик ғаразгўйлар ушбу мақсадлар учун Телеграм мессенжеридан фойдаланадилар. Пойтахт аҳолиси, журналистлар ва блогерлар бир неча маротаба ИИБ матбуот хизматига турли бинолар деворларига гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тарқатишда қатнашганлар томонидан қолдирилган графити фотосуратларини бот ёки Телеграм-каналга ҳавола билан юборишган. Тезкор ходимлар тақиқланган моддаларни сотадиган сайтларни яширин реклама қилиш ҳолатларига дуч келишди. Бу каби ҳар бир хабарни текшириш жуда машаққатли ва мураккаб ишdir, чунки ушбу платформада маҳфий сұхбат имконияти мавжуд ва трафикни шифрлашдан фойдаланилади. Бироқ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорликда Жиноят қидирув бошқармаси тезкор ходимлари жиноятчиларни аниқлашга муваффақ бўлмоқдалар. Натижада, 2020 йил бошидан бери 10 ой ичидаги турли хил ижтимоий тармоқлар ва тезкор хабарлар орқали амалга оширилган текширувлар ёрдамида 770 граммдан

---

<sup>57</sup> Фуқароларнинг пластик карталаридан 30 миллионга яқин пулларни ўтирган талаба ушланди // <https://zarnews.uz/>

ортиқ синтетик гиёхвандлик воситалари, 30 граммдандан ортиқ “спайс”, шунингдек маълум миқдордаги гашиш (2 граммдан юқори) ва героин (таксинан 0,5 грамм) тортиб олинди<sup>58</sup>.

Кўриниб турибиди, Интернет тармоғи орқали тарқатилган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятлар авж олиб жамият онгига жиддий таъсир этмоқда. Шу сабабдан, Жиноят кодексининг 273-моддасига куйидагича ўзгартириш киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. **273-модда.** Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равища, шунингдек, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, *шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда телекоммуникация тармоқларидан, Интернет бутунжсаҳон ахборот тармоғидан* фойдаланиб қонунга хилоф равища ўтказиш.

## 2.2 Кибержиноятларни тергов қилишнинг методикаси

Кибержиноятларни тергов қилишнинг методикаси ҳақида гапирад эканмиз аввало, жиноятларни тергов қилишда қилишда қўлланиладиган методика ҳақида маълумот бериб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Кўшимча сифатида шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, компьютер ахборотларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг криминалистик характеристикасини бир элементи жиноятчининг шахсидир.

Уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- “Хакерлар” - техник воситалар ва компьютер ахборотларига рухсатсиз (ўзбошимчалиқ) билан кириш йўллари, усуслари билан шугулланувчи юқори малакали ЭҲМ фойдаланувчиси ёки дастурчи<sup>59</sup>.

<sup>58</sup> Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ фактларни аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ИИББ жиноят қидирув ходимлари томонидан олиб борилган ишлар тўғрисида // URL: [www.iiv.uz](http://www.iiv.uz)

<sup>59</sup> <https://www.sites.google.com/site/56i853s/statya>

- “Қароқчилар” – компьютер маълумотлари тизимга кириш билангина чекланиб қолувчи маҳоратсиз ва тажрибасиз гурухлар;
- “Броузерлар” – ушбу гурух вакиллари замонавий технологиялар билан қуролланган бўлиб, ўзгаларнинг файлларига рухсатсиз кириш имкониятига эгалар. Улар муаллифлик хуқуқини бузиб, файллардан фойдаланишлари мумкин, аммо уларга жиддий зарар етказмасликлари ҳам мумкин, деб тахмин қилинади;<sup>60</sup>
- “Крекерлар” – замонавий техника воситаларидан юқори даражада фойдалана оладиган хавфли кибержиноятчилар. Улар содир этган қилмишлар одатда, катта миқдорда зарар етказиш бўлиб ҳисобланади. Крекерлар файлларни нусхалашдан тортиб дастур ва тизимларни йўқ қилиб юборишгача, барча-барчасини амалга ошира оладилар<sup>61</sup>.
- “Рұхий касал шахслар” – компьютер фобияси (ахборот касаллиги) билан оғриган шахслар. Одатда бу турдаги касаллик билан оғриган шахсларда ички ёки ташқи таъсирлар остида ёки туғма информацион режимни бузилиши кузатилади.

Компьютер воситалари ва ахборотлари билан боғлиқ меҳнат муносабатларини жадаллашиши кўпчилик хизматчи ходимларининг бунга тайёр эмаслигини кўрсатди. Натижада, уларнинг кўпчилигига ишдаги стресслар туфайли компьютер фобияси ёки невроз касаллиги юзага келган. Унинг асосий белгилари тез чарчаш, компьютер билан ишлаш жараёнида қон босимини тез кўтарилиб кетиши, бош айланиши ва бош оғриғи, қўл бармоқларининг қалтираши, нафас олишнинг қийинлашиши, хушдан кетиш ва бошқалар. Бу турдаги жинотчилар ҳаракати асосан компьютер техник воситаларига зарар етказиш ёки уларни жисмоний йўқ қилишга қаратилади. Бунда жиноятчилар ўз ҳаракатлари устидан қисман ёки тўлиқ назоратни қилиш функциясини йўқотади.

---

<sup>60</sup> POLISH SCIENCE JOURNAL (ISSUE 6(27), 2020) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2020. Part 2

<sup>61</sup> <https://www.anti-malware.ru/threats/carding>.

▪ “Профессионал жиноятчилар” – иқтисодиёт, инженер-техник ёки физика-математика маълумотига эга бўлган, маҳсус техник воситалар билан куролланган, жиноий гурух ёки жиноий ташкилотларга аъзо юқори малакали мутахассислардир. Улар компьютер техник воситалари ва дастурларидан фойдаланиб катта хажмдаги пул маблағларини ўзлаштириш билан боғлиқ мансабдорлик, фирибгарлик, иқтисодиёт соҳасида ёки бошқа шу турдаги жиноятларини содир этади. Бу жиноятлар кўп эпизодли бўлганлиги учун гаразли мақсадда яширин усулда қасдан содир этилади<sup>62</sup>.

Компьютер ахборотларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларда жиноятчилар ёши 15-45 ёшни ташкил қиласди. Уларнинг 33% ни 20 ёшгача бўлган шахслардир. Аксарият ҳолларда бу турдаги жиноятчилар маҳсус маълумотга эга бўлишмайди. Жумладан, АҚШда компьютер ахборотларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг мингдан еттитасигина професионал дастурчилар томонидан содир этилади<sup>63</sup>. Хусусан, жиноятларни тергов қилиш услубиёти криминалистика фанининг якунловчи бўлими ҳисобланади. У *қонунийлик талаабларига мувофиқ ҳолда, тергов ва суриширувни самарали ўтказиши бўйича илмий тавсияларни ишлаб чиқиши мақсадида жиноятларни очиши, тергов қилиши ҳамда уларнинг олдини олишини ташкил қилиши ва амалга ошириши қонуниятларини ўрганади*. Бу қонуниятлар жиноят аломатлари бўлган ҳодисалар ҳақидаги дастлабки ахборотни текшириб, жиноятларни тергов қилиш чоғида исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлайди. Шунингдек, жиноят ишларининг ҳар хил турлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун тергов ҳаракатларини ва жиноят-процессуал қонунида назарда тутилган бошқа чоратадбирларнинг дастурларини ишлаб чиқиш, жиноятларни тергов қилиш учун қўлланиладиган тергов ҳаракатларини тайёрлаш ҳамда ўтказиш ва шу кабиларнинг энг муҳим хусусиятларини ҳам акс эттиради.

---

<sup>62</sup> Kriminalistika. Darslik. A.K.Zakurlaev, D.B.Bazarova va b.q. – Toshkent: TDYU, 2015. – 510 b.

<sup>63</sup> Вехова В. Б. Компьютерные преступления: способы совершения, методики расследования. М., 1996.

Хусусан, тадқиқотчи И.В. Романов ўз изланишларида ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда илм-фан ва техника ютуқларидан тұлық фойдаланиш кераклигини таъкидлаб ўтган<sup>64</sup>. Уларни билишга жиноятларни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш билан боғлиқ объектларни криминалистик нұқтаи назаридан ўрганиш, тергов фаолиятининг асосий ривожланиш йўналишларини умумлаштириш ва аниқлаш, шунингдек тергов ва суриштирувни ташкил этиш ҳамда уларни ўтказищдаги типик алоқалар ва ўзаро боғлиқликнинг барқарор жиҳатларини текшириш ҳамда аниқлаш йўли билан эришилади.

Криминалистик услубиётни ўрганадиган қонуниятлар ўз хусусиятига кўра икки қисмдан: **умумий қоидалар ва жиноятларни тергов қилишнинг хусусий (турга оид) услубиётлар тизимидан** иборат.

**Умумий қоидалар** криминалистик услубиётнинг назарий асослари бўлиб, у криминалистиканинг мазкур қисмининг мавзуи (предмети)ни, илмий билимларнинг бошқа соҳалари билан алоқаларини, хусусий криминалистик услубиётларни тузиш, ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишга оид энг муҳим масалаларни ҳамда жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш муаммоларини тадқиқ этишни ўз ичига олади. Пировард натижада самарали хусусий криминалистик услубиётларнинг яратилиши ва уларнинг жиноятчиликка қарши қурашда муваффақиятли қўлланилиши ана шу масалаларнинг қанчалик пухта ишлаб чиқилганлигига боғлиқ бўлади.

**Хусусий услубиётлар** - криминалистика фанининг пировард «маҳсулоти» бўлиб, амалий хусусиятга эга бўлган ҳамда терговчилар ва суриштирувчиларга жиноятларнинг ҳар хил турларини очиш, тергов қилиш ва бартараф этишда уларнинг ишларини мақбуллаштириш учун мўлжалланган назарий жиҳатдан асосланган тавсиялар мажмуидан иборатdir. Криминалистик услубиётнинг умумий қоидаларидан фарқли ўлароқ хусусий услубиётлар – бу жиноятларнинг айрим турларини очиш, тергов қилиш ва

<sup>64</sup> И.В. Романов. Понятие киберпреступлений и его значение для расследования // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2016. №5 (13). –106 с

жиноятчиликни бартараф этишни ташкил қилиш бўйича услугий тоифалаштирилган тизимдир.

Криминалистик услугий тавсиялар – жиноятларнинг муайян турларини очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бўйича илмий ишлаб чиқилган ва амалда текширилган маслаҳатлар (таклифлар)дир. Ҳар бир хусусий услубиёт амалда турли шароитларда ишлаш учун ўзаро бир-бирига боғлиқ маслаҳатлар тизимини (мажмуини) ҳосил қилувчи бир неча тавсияни ўз ичига олади.

**Тергов қилиш услубиёти** – жиноят ишини юритишга доир қонун талабларидан, вужудга келган тергов вазияти хусусиятларидан, жиноятларнинг мазкур турини очиш ва тергов қилиш назарияси ва амалиётига доир билимлардан келиб чиқиб терговчи танлаган ҳақиқатни аниқлаш усулидир.

Шу тариқа, сиртдан ўхшаш бўлган “криминалистик услубиёт”, “хусусий криминалистик услубиёт”, “криминалистик услубий тавсия” ва “**тергов қилиш услубиёти**” атамалари ўз мазмунига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Жумладан, биринчи ҳолда криминалистика фанининг мустақил якунловчи қисмини, иккинчисида – муайян турдаги жиноятни очиш, тергов қилиш ва уларни бартараф этишни ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар тизимини (мажмуини), учинчисида – тегишли жиноят ишлари бўйича ишлаш учун алоҳида илмий асосланган ва амалда текширилган маслаҳатни (таклифни), тўртинчи ҳолатда эса – **жиноятни тергов қилишининг терговчи томонидан танланган усулини** англаш мумкин.

Услубиётнинг таркибий қисмлари бир-бируни тўлдириб, ҳар хил турдаги жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этишга доир мустақил илмий қоидаларнинг яхлит ва бўлинмас мажмуини ҳосил қиласди. Шуни таъкидлаш жоизки, криминалистик услубиётдан ташқари илмий билимларнинг ҳеч бир соҳаси бу масалаларни тадқиқ этиш билан шуғулланмайди ва турли тоифадаги жиноят ишлари бўйича суриштирув ва терговни самарали ўтказиш учун амалиётга бундай назарий жиҳатдан

асосланган тавсияларни бермайди. Шу билан бирга, криминалистик услубиётнинг мустақиллиги нисбий хусусиятга эга. Негаки у криминалистиканинг бошқа қисмлари билан узвий боғланган. Бу эса унинг фақат бир бўлими ҳисобланади ва шундай бўлиб қолмоқда.

Услубиётнинг мустақиллиги криминалистиканинг предмети ва бутун тизими доираси билан чекланган. Фанда мазкур тармоқнинг пайдо бўлиши жиноятларни тергов қилишнинг ташкил этилишини фақат назарий тадқиқ этиш йўли билангина эришилиши мумкин бўлган ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли мақсадлари мавжудлигини акс эттиради. Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган янги илмий йўналишни юзага келишининг объектив шарт-шароити айнан ана шундан иборатdir.

Криминалистик услубиётда ижтимоий муҳим вазифаларнинг мавжуд бўлиши, унинг ривожланишидаги кейинги даврларидан то ҳозирги пайтга қадар сақланиб қолди. Инсонижодий фаолиятининг мақсадларини ҳам атроф-муҳитдаги объектив ҳодисалар келтириб чиқаради. Шунга кўра жиноятчиликка қарши фаол кураш олиб боришга кўмаклашиш ҳамда муайян жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлашда суриштирув, тергов органларига ва судга ёрдам кўрсатиш криминалистик услубиёт умумий мақсадлари ҳисобланади. Ана шу мақсадларга эришиш учун криминалистик услубиёт жиноятларнинг ҳар хил турларини тергов йўли билан очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишдаги илгор тажрибани ўрганади ва умумийлаштиради; жиноятларнинг айрим турларини очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бўйича илмий асосланган услубий тавсияларни ишлаб чиқади.<sup>65</sup>

Қонун жиноятчиликка қарши кураш амалиёти ва турли фан ютуқлари криминалистик услубиётнинг манбалари ҳисобланади. Уларнинг қоидалари

---

<sup>65</sup> Криминалистика: Олий ўкув юртлари учун дарслик / N. Р.Абдумажидов ва бош^алар. - Т.: „Адолат”, 2003 - 266 б

криминалистикадаги мазкур бўлимнинг ривожланишига асос бўлган ва унинг ҳозирги тараққиётини таъмин этмоқда.

Жиноят ва жиноят-процессуал хуқуқ нормалари услубиётнинг биринчи манбаидир. Улар жиноят - судлов ишларини юритишнинг умумий шарт-шароитларини белгилайди ва шу сабабли криминалистик услубиётнинг ҳамда ҳар бир хусусий криминалистик услубиётнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқишига асос бўлиб хизмат қиласди. Шу билан бир вактда криминалистик услубий тавсиялар қонунга асосланиб ва амалдаги хуқуқий нормаларга зид ёки фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган бирон-бир маслаҳат ва йўл-йўриқларни истисно этган ҳолда, жиноят ва жиноят-процессуал нормаларини шарҳлаш билан чегараланмай, жиноятларнинг хилма-хил турларини очиш, тергов қилиш ва олдини олишнинг мақбул тартибини белгилайди.

Жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш амалиёти криминалистик услубиётнинг иккинчи муҳим манбаи ҳисобланади. Амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш жиноятларнинг айrim турларини тергов қилиш бўйича самарали тавсияларни ишлаб чиқишига кўмаклашади. Шу билан бир қаторда, амалиёт криминалистик услубиёт назариясининг тўғрилигини белгиловчи мезон ҳамdir. Шахснинг жиноятни содир этишдаги айборлиги фақат суд томонидан эътироф этилиши сабабли, судларнинг хукмларида амалда мазкур жиноятни тергов қилишнинг тўғрилиги, яъни криминалистик услубий тавсияларни қўлланишининг асослиигини белгилайди.

Ниҳоят, илмий билимлар, аввало, криминалистиканинг барча қайд этилган бўлимларининг ҳамда жиноятчиликка қарши кураш муаммоларининг, хусусан жиноятларни тергов қилишни ўз нуқтаи назаридан тадқиқ этувчи бошқа фанларнинг қонун-қоидалари криминалистик услубиётнинг учинчи манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Криминалистик услубиётнинг криминалистик умумий назария, техника ва тактика билан алоқалари анча мураккаб. Бир томондан, криминалистик

услубиётда криминалистика фанининг якунловчи бўлими сифатида унинг бошқа бўлимларининг хulosалари ва қоидаларидан кенг фойдаланилади, иккинчи томондан, криминалистик услубиёт криминалистиканинг умумий назарияси, техникаси ва тактикаси ривожланишига фаол таъсир кўрсатади.

Тутган ўрни ва ҳал этадиган вазифаларининг ўзига хослигига кўра криминалистик услубиёт криминалистиканинг бошқа бўлимларига доимо таянади ҳамда ишлаб чиқилаётган назариялар ва тавсияларнинг пировард «олувчиси» вазифасини бажарган ҳолда уларнинг илмий ишланмаларини қўллайди.

Криминалистиканинг олдинги бўлимларига оид қоидалар ва хulosалар криминалистик услубиётдаги назарияларни умумийлик асосида жамлаш, яъни уларни оддий жамлаш йўли билан эмас, балки диалектик мушоҳада қилиш ҳамда ҳар хил турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва тергов қилишни самарали ташкил этиш учун тегишли хulosалар ишлаб чиқиш жараёнида қўлланилади.

Илм фаннинг бир-бирига яқин, ўзаро боғлиқ тармоқлари орасида жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси, бошқарув, психология, мантиқ фанлари ва бир қатор маҳсус фанлар криминалистик услубиётнинг манбалари сифатида катта аҳамиятга эга. Ана шу фанларнинг бир қанча қоидалари криминалистиканинг мазкур бўлимидаги назарий асосларни ривожлантириш ва жиноятларнинг айрим турларини тергов қилишнинг самарали услубиётларини ишлаб чиқиш учун унумли қўлланилади.

Тергов амалиётида ҳар хил турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилишни ташкил этиш ҳамда амалда бажариш са-марадорлигини оширадиган анча такомиллашган хусусий криминалистик услубиётларни жорий этиш жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Терговчиларнинг ишни ташкил этиш бўйича илмий асосланган тавсияларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олиб, жиноятларни тергов қилишнинг кўплаб ҳамда шакл ва мазмун жиҳатидан хилма-хил хусусий услубиётларни вужудга

келтирмоқда. Янги хусусий криминалистика услугиётларни ишлаб чиқиш қуидаги тамойиллар асосида амалга оширилади.

Криминалистик услугий тавсиялар тизими илмий иш маҳсулидир ва шу туфайли ҳамиша назарий жиҳатдан муайян даражада асосланган бўлади. Бироқ хусусий услугиётлар жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш амалиёти шундай назарий асосланганлик даражасига эга бўлишини талаб қиласди, тики уларнинг тавсияларини қўллаш терговнинг самарали ташкил этилишини таъминласин. Бундай даражага, агар хусусий услугиётлар фақат тажриба йўли билан ишлаб чиқилган қоидалар ва амалиёт учун самарали тавсияларни ўз ичига олган тақдирда, эришилади. Криминалистик услугий тавсияларнинг тизими *оқилона, тежамли, мақбул* бўлиши керак.

Жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш – якка тартибдаги жараёндир. Унинг мазмунига жиноий қилмишнинг хусусиятлари, жиноятнинг оқибатлари, жиноятчининг шахсий хусусиятлари, терговчининг меҳнат шароити ва бошқа шу сингарилар таъсир кўрсатади. *Шу билан бирга, бир турдаги (бир хилдаги) жиноятларни тергов қилишида кўпгина умумий хусусиятлар ҳам мавжуддир*, булар – типик тергов версияларининг мавжудлиги, исботлаш предметининг умумий эканлиги, тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш хусусиятларининг ўхшашлиги ва бошқалар. Шу сабабли криминалистик услугий тавсиялар имкони борича тайин, лекин бирон-бир ягона хусусий ҳол учун эмас, балки мазкур турдаги жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун мўлжалланган бўлиши керак. Криминалистик услугий тавсияларнинг умумийлиги ва аниқлиги, меъёри уларнинг амалиёт эҳтиёжлари ҳамда назарий имкониятлари билан боғлиқ илмий қоидаларни тавсифлаш даражасида намоён бўлади.

Ташкил этилиши нуқтаи назаридан жиноятларни тергов қилиш жараёнини учта алоҳида босқичга бўлиш лозим. Ҳар бир босқич – бу тергов

қилишнинг шундай босқичи, унинг давомида умумий вазифалар билан бир қаторда унинг ўзига хос вазифалари ҳам ҳал этилади.

**Биринчи босқич** – бу дастлабки тергов ҳаракатларини бажариш давридир. Мазкур ҳаракатлар ҳам умумий, ҳам ўзига хос вазифаларни (жиноят аломатларига эга бўлган ҳодисани аниқлаш, айборни “из босилмасдан” таъқиб қилиш ҳамда ушлаш ва ҳоказо) ҳал этишга қаратилган. Қоида тариқасида, улар дарҳол ўтказилади. Дастлабки кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари нисбатан чекланган муддатда ўтказилади, лекин унинг қанча давом этишини жиноятларни тергов қилишнинг барча ҳоллари учун олдиндан белгилаб қўйиш мумкин эмас. Умуман олганда, шуни қайд этиш зарурки, тергов қилишнинг дастлабки босқичи кечиктириб бўлмайдиган, шошилинч тергов ҳаракатларини ўтказиш билан тугайди. Жиноятларни тергов қилиш дастлабки босқичининг муддати чекланганлиги терговчининг фаолияти имкони борича жадаллаштирилишни талаб қиласди.

**Иккинчи босқич** – бу иш бўйича далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган барча қолган тергов ҳаракатларини бажариш давридир. Мазкур босқичнинг асосий вазифалари: айборни содир этилган жиноятда фош этиш, айб эълон қилиш, дастлабки босқичда аниқланмай қолган ҳолатларни аниқлаштиришдан иборат.

**Учинчи босқич** – бу тергов қилишнинг яқунловчи босқичи. Мазкур босқич терговчи томонидан тергов қилишни тамомлаш, яъни далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга қаратилган тергов ҳаракатларини юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бошланади ва ишни прокурорга юбориш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш билан тугалланади. Ўз мазмунига кўра у иш бўйича тўпланган далиллар баҳоланишини, қўшимча ва такрорий ҳаракатлар амалга оширилишини ҳамда терговни ниҳоясига етказиш тартибини белгилашни ўз ичига олади.

Хусусий криминалистик услубиётларда тавсиялар ана шу босқичларга мувофиқ тизимлаштирилади. Жиноятларни тергов қилиш услубиётларининг

вазиятга боғлиқлиги ва кўплиги. Тергов амалиёти жиноятларнинг ҳар бир тури учун типик бўлган тергов вазиятларининг мазмунини ҳисобга оладиган ҳамда унга боғлиқ ҳолда терговни ташкил қилишнинг у ёки бу усулини тавсия этадиган хусусий криминалистик услубиётлар яратишни талаб қилади. Жиноят иши бўйича тергов вазияти жиноятни тергов қилишнинг муайян давридаги вазиятни тавсифловчи ҳолатлар (шароитлар, омиллар) мажмуидан иборат бўлади.

Типик тергов вазиятлари жиноятларни тергов қилишнинг барча босқичларига хосдир, лекин криминалистик услубиётларда кўпинча дастлабки типик тергов вазиятлари таҳлил қилинади. Уларнинг хилма-хиллиги кўп турли тавсияларни ва уларнинг тизимларини ишлаб чиқиши талаб қилади. Типик тергов вазиятлари ҳисобга олинган ҳолда жиноятларни тергов қилиш услубиётларининг яратилиши тавсияларнинг мазмунини аниқлаштиради ҳамда уларнинг амалий қимматини оширади.

Умумийлик принципи бўйича жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш чоғида криминалистик услубий тавсиялардан фойдаланиш қулай бўлиши учун хусусий услубиётларнинг конструктив бирлиги тамойилига, яъни ички мустақиллиги ва кўп турлилигига амал қилган ҳолда уларнинг мақбул тузилишига риоя этиш зарур. Мазкур тамойилларга кўра ишлаб чиқилган хусусий криминалистик услубиётлар шунингдек, терговчининг ички ишлар органлари тезкор ва бошқа хизмат ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги хусусиятларини; жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга доир йўл-йўриқларни; терговчи томонидан айрим турдаги жиноятларни тергов қилиш чоғида унинг олдини олишга доир фаолиятини ташкил этиш бўйича тавсияларни ҳам ўз ичига олган бўлиши керак.

Криминалистиканинг якунловчи бўлимими билиш ва ундан фойдаланишда хусусий криминалистик услубиётларни таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Криминалистик услубиёт назариясига бағишлиланган замонавий ишларда хусусий услубиётларни таснифлашни бир қанча асослар бўйича ўтказиш қабул қилинган. Жиноят қонунига муносабати нуқтаи назаридан

хусусий услубиётлар типик (турга оид) ва махсус услубиётларга бўлинади. Типик услубиётлар жумласига амалдаги жиноят қонунида белгиланган жиноят турлари (масалан, одам ўлдириш, ўғирлик, фирибгарликни тергов қилиш услубиётлари ва ҳоказо) бўйича тузилган услубиётлар киради.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янгиланиши муносабати билан тегишлича янги хусусий услубиётларни ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлади. У ёки бу қилмиш учун жиноий жавобгарликнинг бекор қилиниши ёки уларнинг жиноийлик тоифасидан чиқарилиши (декриминализация қилиниши) тергов қилишнинг айрим услубиётларига бўлган эҳтиёжни истисно этади. Типик хусусий услубиётлар сони жиноятларнин мавжуд турларига мувофиқ бўлиши керак. Услубиётларнинг ана шу сони энг юқори (максимал) ҳисобланади. Шу сабабли, криминалистика олдида барча зарур бўлган, лекин ҳозирча мавжуд бўлмаган хусусий услубиётларни ишлаб чиқиш вазифаси туради.

**Махсус услубиётлар** жумласига қонунда белгиланган жиноятларнинг турлари бўйича эмас, балки бошқа асослар бўйича тузилган хусусий услубиётларни киритиш керак бўлади. Жумладан, ана шу мақсад учун асослар сифатида жиноят содир этилган жой, жиноятчининг, жабрланувчининг шахси, жиноят содир этилган пайтдан бошлаб ўтган вақт ва бошқа шу сингарилар танланиши мумкин. Криминалистика адабиётларида *темир йўл, сув ва ҳаво транспортидаги жиноятларни; вояга етмаганлар ва рецидивистлар содир этган жиноятларни; ўтган йилларнинг очилмай қолган жиноятларини тергов қилиши услубиётлари маълум.*

Аниқлаштирилиш даражасига қўра, жиноятларни тергов қилиш услубиётлари *бир босқичли, икки босқичли ва кўп босқичли* бўлиши мумкин. Масалан, ўғирликларни тергов қилиш услубиёти уларни тергов қилиш бўйича умумий тавсияларнига эмас, балки хонадон ва автомашина ўғирликларини, майда ўғирликларни, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги ўғирликларни; почта ўғирликларини ва бошқа шу сингариларни тергов қилиш услубиётларини ҳам ўз ичига олади.

Жиноятларни тергов қилишнинг хусусий услубиётлари ҳажмига кўра **тўлиқ ва қисқартирилган** турларга бўлинади. Аксарият ҳолларда, у ёки бу турдаги жиноятни тергов қилишнинг бутун жараёнини ўтказиш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилади. Баъзан эса тадқиқотлар тергов қилишнинг бирон-бир босқичини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш билан чекланади. Чунончи, дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича криминалистик услубий тавсиялар анча кенг тарқалган.

Жиноятларнинг қамраб олинадиган турлари бўйича хусусий услубиётлар комплекс ва аниқ турларга бўлинади. Икки ёки ундан ортиқ ўзаро боғлиқ турдаги жиноятларни тергов қилиш услубиётлари, масалан, талончилик ва босқинчиликларни тергов қилиш услубиёти, ўт қўйишлар ва ёнфинга қарши хавфсизлик қоидаларига жинояткорона риоя этмасликларни тергов қилиш услубиёти сингарилар комплекс услубиётлар ҳисобланади. Жиноятларни тергов қилиш криминалистик услубиётлар ўз шаклига кўра кўпинча монографиялар, диссертация тадқиқотлари, дарслеклар, ўкув, услубий ва амалий қўлланмалар, услубий хатлар тариқасида ишлаб чиқилади ва ҳоказо<sup>66</sup>.

Юқорида берилган маълумотлар асосида айтишимиз мумкинки, янги ва оммалаётган кибержиноятларнинг якуний тергов қилиш методикаси ишлаб чиқилмаганлигини қўришимиз мумкин. Бир қатор хорижий мамлакатларда қандай тартибда олиб борилишини қўришимиз мақсадга мувофиқдир. Жиноят фактини аниқлаш ва ўз вақтида очиш ҳодиса жойини ҳимоя қилиш сифати жиноят далиллари бўлишига катта таъсир кўрсатади.

Анъанавий жиноятларнинг вақти ва макони одат аниқ бўлади. Бундай жиноятларда воқеа жойини аниқлаш қийин. Кибержиноятларни аниқлашда ўзига хос усуслар сифатида Хитой олимлари ҳисобланмиш Янбо Ву, Давеи Хианг, Жианг Минг Гао ва Юн Вуларнинг қуидаги методларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

---

<sup>66</sup> Криминалистика: Олий ўкув юртлари учун дарслек // Н. Р.Абдумажидов ва бошқалар. - Т.: „Адолат”, 2003 - 266 б

- компьютернинг ўзи ва унинг майдони компьютер тизимининг физик хусусиятларини белгилаш;
- иш маълумотларига асосланиб, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг мотивлари, воситаларини таҳлил қилиш, компьютернинг профессионал билим даражаси, билим даражаси, мумкин бўлган жиноятчиларни таҳлил қилиш ва компьютер жинояти учун жиноят содир этилган жойни аниқлаш;
- компьютер ахборот тизимини ҳодиса жойи тизим журналининг ёки аудиторлик текшируви ёзувларининг мазмуни бўйича топиш;
- турли хил ҳолатларда жиноят тури, хусусияти ва воситаларига қараб жиноят содир этилган жойни аниқлаш<sup>67</sup>.

Шу билан бир қаторда, АҚШ олими Ж.Оерлеменс кибержиноятларни тергов қилишда қуидаги методларни бирламчи деб ҳисоблайди.

- оммага очиқ бўлган онлайн маълумотларни тўплаш;
- онлайн хизмат кўрсатувчи провайдерларга маълумотлар олиш бўйича мурожаатлар бериш;
- интернет орқали яширин тергов усулларидан фойдаланиш;
- тергов усули сифатида хакерлик ҳужумларини амалга ошириш каби методларни тавсия этишмоқда<sup>68</sup>.

### **2.3. Кибержиноятларни тергов қилиш тактикасининг умумий хусусиятлари ва рақамли далилларни тўплаш амалиёти**

“Тактика” (грекча “*тактика*” – қўшинларни сафга тизиши маҳорати) атамасини жиноятлар бўйича терговни амалга ошираётган шахсларнинг фаолиятига татбиқан илк маротаба XIX аср охирида немис

---

<sup>67</sup> Yanbo Wu, Dawei Xiang\*, JiangMing Gao and Yun Wu Hubei University of Police Wuhan, China, Research on investigation and evidence collection of cybercrime Cases // Journal of Physics: Conference Series 2021

<sup>68</sup> Oerlemans, J.J. “Investigating cybercrime”// Leiden: Meijers Research Institute and Graduate School of the Leiden Law School of Leiden University, 2017

олими А.Вейнгардт қўллаган. Криминалистик тактиканинг бош вазифаси тергов ҳаракатлари ва ташкилий тадбирларни ўз ичига олувчи криминалистик фаолиятни самарали ташкил этиш, шунингдек жиноят иши бўйича терговни унинг барча иштирокчилари ўзаро муносабатлари тизимини оқилона ташкиллаштириш йўли билан юритишдан иборат. Шунингдек, бази адабиётларда криминалистик тактика ҳамда тергов тактикаси атамаси турлича татбиқ этилади.

**Криминалистик тактика** – бу криминалистика фанининг алоҳида бўлими бўлиб, дастлабки ва суд терговини ўтказиш юзасидан илмий қоидаларга асосланган ҳолда ишни ташкил этиш ва режалаштириш, шу билан бирга алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказиш усуллари, жиноятни содир этиш шароитларини аниқлаш ва ашёвий далилларни йиғишга йўналтирилган тавсияларни ўргатади.

**Тергов тактикаси** – бу кам куч, восита ва вақт сарфлаб юқори самарага эришиш мақсадида жиноятни тергов қилиш, очиш ва олдини олишда қўлланиладиган криминалистиканинг умумназарий қоидалари, мантиқ, психология, суд этикаси ва бошқа илмий билимлардан фойдаланишга асосланган дастлабки терговнинг тактик усуллари ва методларини режалаштириш мажмуудир<sup>69</sup>. Тергов тактикаси криминалистик тактикага нисбатан хусусийроқ тушунча эканлигини билиб олишимиз мумкин.

Даставвал криминалистикада тактик жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш билан шуғулланадиган шахсларга уларнинг ишларини режалаштириш юзасидан бериладиган назарий жиҳатдан асосланган тавсияларининг мажмуи тариқасида майдонга келган. Бора-бора унинг мазмун-моҳияти ўзгариб, анъанавий қоидалар билан бир қаторда криминалистик тактикага тергов фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ талай янги назариялар, таълимотлар, тавсиялар қўшила борди. Кейинроқ эса жиноятларнинг айрим турларини

---

<sup>69</sup> Kriminalistik taktika: Darslik / T.B. Mamatkulov, Sh.T. Djumanov, U.T. Turgunov va boshq. – T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2013. – 6 b .

тергов қилишни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўриб чиқила бошланди.

***Криминалистик тактиканинг энг муҳим қоидалари жумласига қўйидағиларни киритишими мумкин:***

- жиноятларни тергов қилиш чоғидаги тергов ҳаракатларининг оқилона тактик усуллари;
- криминалистик тактик ҳаракатлар ва операциялар; жиноятларни тергов қилишни режалаштириш ва тезкор-қидирув ходимлари билан терговчининг ўзаро ҳамкорлиги;
- жиноятларни тергов қилишда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг ёрдамидан фойдаланиш;
- жиноятларни тергов қилишда гумон қилинувчилар, айбланувчилар ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг шахсини ўрганиш;
- жиноятларни тергов қилишда маҳсус билимлардан фойдаланиш;
- терговчининг жиноятларни олдини олишга доир фаолияти<sup>70</sup>.

Криминалистик тактиканинг ҳозирги вақтга келиб шаклланган тизими ўзаро боғлиқ **икки қисмдан** ташкил топган. Булар криминалистик тактиканинг **умумий** қисми ҳамда криминалистик тактиканинг **маҳсус** қисмидир. *Криминалистик тактиканинг умумий қисми* – криминалистика мазкур бўлимининг моҳияти ва тергов фаолиятини ташкил этишга доир билимларни ўз ичига оловчи илмий асосидир. *Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари ўз навбатида иккита кичик қисмларга бўлинади:*

- а) криминалистик тактиканинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва замонавий ҳолатига доир билимларни бирлаштирувчи илмий муаммолари: криминалистик тактиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи, криминалистик тактиканинг предмети, тизими, вазифалари, манбалари, принциплари, криминалистик тактиканинг илмий билимлар тизимида тутган ўрни ва ҳоказо.

---

<sup>70</sup> Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик / N. Р.Абдумажидов ва бошқалар. - Т.:Адолат”, 2003 - 198 б.

б) тергов фаолиятини ташкил этишнинг илмий асослари: тергов фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги криминалистик таълимот; жиноятларни тергов қилишни режалаштириш, терговчиларнинг тезкор ходимлар билан ўзаро ҳамкорлиги, тергов фаолиятида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш, жиноятларнинг олдини олишга доир фаолиятни ташкил этиш, тактик усуллар ва тавсиялар тўғрисидаги криминалистик таълимот, тактик операциялар, тергов вазиятлари, тактик ечимлар, терговчилар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш ва ҳоказо.

Криминалистик тактиканинг **махсус қисми** жиноятларни тергов қилишва суд тергови жараёнида суднинг ҳамда терговчининг ҳаракатларини тайёрлаш ва ўтказишга доир билимлар тизимидан иборатdir. Бу билимларнинг мазмунидаги фарқ маҳсус қисмни ҳам иккита нисбатан мустақил таркибий элементга бўлишни тақозо этади:

а) жиноятларни тергов қилиш жараёнида айrim тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси: терговни кўздан кечириш ва гувоҳлантириш тактикаси, сўроқ қилиш ва юзлаштириш тактикаси, тинтуб қилиш тактикаси, қўлга тушириш ва ҳибсга олиш тактикаси, таниб олиш учун кўрсатиш тактикаси, тергов эксперименти тактикаси, кўрсатувларни воқеа юз берган жойнинг ўзида текшириш ва аниқлаштириш тактикаси, суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш тактикаси, қидирув тадбирлари тактикаси;

б) судлов ишларини юритиш жараёнида айrim тергов ҳаракатлари тактикаси: суд тергови тактикаси, суд кўздан кечириши тактикаси, кўрсатувларни воқеа юз берган жойнинг ўзида текширув тактикаси.

Шунингдек, тактик усул – бу терговни юритаётган шахс хатти-ҳаракатларининг жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш билан боғлиқ вазифаларни самарали ҳал қилиш имконини берадиган мақбул услубdir.

Мазкур жиноятлар турларини тергов қилишда умумий ва махсус тактик усуллар борасида Егерева.О.А<sup>71</sup>, Коломинов.В.В<sup>72</sup> ва Сизова.М.С<sup>73</sup> ўз тадқикотларида дастлаб воқеа жойини текшириш, ашёвий далилларни йифиш, периферик ускуналарни ва бошқа нарсаларни текшириш, тезкор текширувларни ўтказиш керак чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлашади.

Хусусан, тактик усуллар бир қанча адабиётларда турли мезонлар асосида бир қанча турларга бўлинади.

Дарҳақиқат, ҳал қилинаётган вазифалар даражасига қўра тактик усуллар:

- **бошланғич тактик усуллар:** криминалистик аҳамиятга молик ахборотни топиш, қайд этиш ва олиб қўйишга қаратилган тактик усуллар;
- **оралиқ тактик усуллар:** далилий фактларни аниқлаш, бунинг учун мўлжалланган тактик комплексларни шакллантиришга қаратилган тактик усуллар;
- **пировард тактик усуллар:** жиноят ишини тергов қилиш тактик вазифаларини ҳал қилишга, гумон қилинувчининг айбдорлигини исботлашга, жиноят воқеасининг барча муҳим ҳолатларини аниқлашга қаратилган тактик усулларга бўлинади.

Мазмунига қўра тактик усуллар қуидаги турларга бўлинади:

**психологик тактик усуллар:** жиноят ишлари бўйича терговчи ҳаракатларини амалга оширишнинг умумий ва юридик психология соҳасидаги ютуқларга таянган усуллари (терговчи сўроқ қилинувчи билан психологик алоқа ўрнатиши тинтуб қилинувчининг руҳиятини кузатиши, ушланаётган

---

<sup>71</sup> Россинская Е.Р. Новый раздел криминалистики: криминалистическое исследование компьютерных средств и систем / Е.Р. Россинская, Г.П. Шамаев // Известия Иркутской государственной экономической академии (Байкальский государственный университет экономики и права). – 2015. – Т. 6, № 1. – URL : <http://brjbguep.ru/reader/article.aspx?id=19969>.

<sup>72</sup> Низамов В.Ю. Производство следственных действий в условиях взаимодействия следователя и органа, осуществляющего оперативно-розыскную деятельность : учеб.-практ. пособие / В.Ю. Низамов, Д.А. Степаненко. Иркутск : Изд-во БГУЭП, 2004. 169 с

<sup>73</sup> Харина Э.Н. О возможностях использования сети Интернет при расследовании преступлений / Э.Н. Харина // Современное состояние и перспективы развития научной мысли : материалы Междунар. науч.-практ. конф., г. Уфа, 25 мая 2015 г. : в 2 ч. – Уфа : Аэтерна, 2015. – Ч. 2. – С. 131–132.

шахсни, жиноятни содир этишда гумон қилинувчини қўлга олиш чоғида психолигик таъсир кўрсатиш ва б.к.);

**мантиқий тактик усуллар:** Мантиқ қонунлари ва категориялари ҳамда суд мантиқига хос қонуниятлар ва категорияларга асосланувчи тактик усуллар (сўроқ қилинувчи шахснинг кўрсатувларидағи қарама-қаршиликларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш; тергов версияларини тузиш ва уларни текшириш; тергов харакатларини ўтказиш жараёнида далиллардан ва тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг мантиқий изчиллигини белгилаш усуллари ва б.к.);

**ташкилий тактик усуллар:** бу усуллар жиноятларни тергов қилишни режалаштириш қоидалари ва усулларини; жиноятларни очиш ва тергов қилиш пайтида терговчининг тергов харакатларини ҳамда бошқа харакатларини; иштирокчилар ўртасида вазифалар тақсимланишини; терговчи ва суриштирув органлари тезкор ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишни ва б.к.ни ўз ичига олади;

**комплекс тактик усуллар:** жиноятларни очиш ҳамда тергов қилиш пайтида илгари кўрсатиб ўтилган ва бошқача мазмундаги терговчи харакатларини тайёрлаш ҳамда амалга ошириш йўлларини уйғунлаштиради (садир этилган жиноятда ўз айбини инкор этаётган айбланувчини сўроқ қилишда саволларни қўйиш кетма-кетлигини танлаш сўроқ қилинувчининг рухияти хусусиятларини, унинг айби юзасидан тўпланган далиллар мазмуни ва аҳамиятини ҳамда сўроқ қилишда химоячи, мутахассис, прокурор ва бошқа шахслар иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши лозим)<sup>74</sup>.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки тергов тактикаларини амалга ошириш жараёнида бир қанча қоида ва талаблар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: талаб сифатида қонунга асосланганлиги (қонун меъёрларига мос келиши); мақсадга мувофиқлик; хилма-хиллик; хавфсизлик; самарадорлик ва тежкамкорлик; усулни эркин танлаш; тергов харакатлари ва

<sup>74</sup> Криминалистика: Олий ўкув юртлари учун дарслик / Н. Р.Абдумажидов ва бошқалар. - Т.:Адолат”, 2003 - 197 б

тезкор қидирув тадбирларининг энг мақбулини уйғунлаштириш кабиларни киритишмиз мумкин.

Умумий қоидаларга эса, қонунийликка, одоб ва ахлоқ меъёрларига риоя қилиш; раҳбарият ягоналиги; терговчининг фаоллиги ва интилувчанлиги; суриштирув ходимлари билан ўзаро хамкорлик; вазиятлилик; босқичли; режалилик; изчиллик; холислик; тўлалик; ўз вақтида ижро этиш; криминал - техника воситаларидан фойдаланиш; мутахассислар ёрдамидан фойдаланиш.

Ушбу соҳадаги жиноятларни тергов килишда **уч хил вазиятни** учратиш мумкин:

1) *хамма нарса аниқ* - жиноятнинг хусусияти ва ҳолатлари маълум (масалан: қандай вирус ва қай йул билан компьютер тармоғига киритилган) ва жиноят жабрланувчининг ўз кучи билан аникланган, жиноятчи маълум ва кўлга олинган, ўз айбига иқрор бўлган вазият;

2) *жиноятни содир этиши усули маълум, аммо жиноят механизми қисман ноаниқ*, масалан компьютер тармоғи ҳимоясининг заиф жойлари орқали фойдаланувчиларни интернет файлларига ноқонуний кирганларида жиноятчининг шахси аниқ бўлиб, аммо у яширинган;

3) *фақат жиноий натижса аниқ*, масалан, банк компьютер тармоқни ишдан чиқариш; жиноятчининг шахси ва жиноят механизми ноаниқ<sup>75</sup>.

Юқоридаги фикрларга чет эл олимлар билдирган фикрлардан қўшимча сифатида келтириб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Харина Э.Н.<sup>76</sup> ва . Россинская Е.Р<sup>77</sup> ўз илмий изланишларида ушбу турдаги жиноятларни бир қанча турларга бўлганликларини кўришимиз мумкин. Бироқ улар шу нарсани таъкидлашадики, бугунги кунда фақатгина компътер орқали содир этилган эмас, балки ҳар қандай электрон қурилмалар орқали содир этилган воситаларни ҳам тушуниш лозимлигини таъкидлаган.

---

<sup>75</sup> Ўша жойда

<sup>76</sup> Харина Э.Н. О возможностях использования сети Интернет при расследовании преступлений / Э.Н. Харина // Современное состояние и перспективы развития научной мысли : материалы Междунар. науч.-практ. конф., г. Уфа, 25 мая 2015 г. : в 2 ч. – Уфа : Аэтерна, 2015. – Ч. 2. – С. 131–132.

<sup>77</sup> Россинская Е.Р. Судебная компьютерно-техническая экспертиза: проблемы становления и подготовки кадров экспертов / Е.Р. Россинская // Теория и практика судебной экспертизы. – 2008. – № 3. – С. 60–66.

Биринчи ҳолатда компьютер тизимиға ноқонуний кириш ва юзага келган натижалар ўртасида алока борлиги (ишдан чикиш, компьютерга вирус тушириш ва бошкалар), келтирилган заарнинг ҳажмини аниқлаш зарур. Иккинчи ҳолатда - юкорида қайд этилган вазифалардан ташкари, гумонланувчини қидириш ва қўлга олиш зарур. Ниҳоят, энг ноқулай (учинчи) ҳолатда жиноят механизмини аниқлаш зарур. Биринчи ҳолатда воқеа жойига етиб келган хавфсизлик учун маъсул бўлган шахс электрон курилмаларнинг хавфсилигини кафолатлаши лозим деб ҳисобланади<sup>78</sup>.

Тергов тактикасининг бир қисми бўлган компьютер маълумотларини ошкор қилиш, фиксациялаш ва олиб қўйиш тўғрисида тўхталиб ўтсак, аниқроги:

- *жиноят содир этилган жой, бинони, буюмларни, ҳужжатларни кўздан кечириши;*
- *жиноят содир этилган жой, бинони, буюмларни, ҳужжатларни тинтув килиши (шунингдек, ўша жойдаги ва бинодаги шахсий тинтув);*
- *жиноят содир этилган жой, бинони, буюмларни, ҳужжатларни олиб қўйши (буюмларни, ҳужжатларни, почта-телеграф корреспонденциясини, давлат сирини ўз ичига олган ҳужжатлар);*
- *жиноят содир этилган жой, бинони, буюмларни, ҳужжатларни телефон ва бошка сўзлашувларни яширин эшитиши.*

Бундай тергов ҳаракатларини амалга оширганда компьютердаги маълумотни йуқ қилиш ёки унга зарап етказишга йул қўймайдиган компьютер маълумотини қидиришни тактик тўғри бажариш, керакли маълумотни топиш, қайд этиш ва процессуал меъёрга мувофиқ олиб қўйиш керак. Тергов, тафтиш ёки олиб қўйишга тайёргарлик кўришда терговчи карор қабул қиласи.

Юқорида берилган тинтув ҳаракатини олиб боришда Г.Ф.Мусаев ўзининг китобида жуда керакли ва бугунги кундаги ўта долзарб ҳамда муҳим

---

<sup>78</sup> Теория судебной экспертизы (судебная экспертология): учебник / Е.Р. Россинская, Е.И. Галышина, А.М. Зинин; под ред. Е.Р. Россинской. 2-е изд., перераб и доп. М.: Норма; ИНФРА-М, 2018.

тавсияларини бериб ўтган. Жумладан, умумий кўздан кечиришда терговчи қуидагиларни бажариши зарур:

❖ бутун хонани кўздан кечириш керак. Қидирилаётган обьект компьютер маълумотлари кўринишида бўлгани учун, авваламбор, хонада жойлашган компьютер жиҳозларига, унинг жойлашган жойига, ҳолатига (ёқилган ёки ўчирилган), Шунингдек, телекоммуникация тармоқларининг ҳолатига эътибор бериш керак. Бинони кўздан кечиришда кўчма сақлаш мосламаларини (флеш-карталар, ташқи қаттиқ диск), Шунингдек, компьютер маълумотларини (масалан, кулон, соатлар, сирғалар) ташувчиси бўлиши мумкин бўлган кичик ўлчамдаги яширин юқори технологияли маҳсулотларни қидириш керак.

❖ Компьютер(лар)нинг бошқа компьютерлар билан маҳаллий тармоққа ва бошқа телекоммуникация тармоқларига уланганлигини аниқлаш керак. Агар тинтуб қилинаётган хонада бир нечта компьютер бўлса ва у лар техник ва мантиқий ҳар қандай даражадаги телекоммуникация тармоғига уланган бўлса, мутахассис ёрдамида компьютерларнинг қайси бири бошқарувчи (асосий) эканлигини аниқлаб, тинтубни шу компьютердан бошлаш керак.

❖ Кўздан кечирилаётган компьютерда (агар у ишлаётган бўлса, “уйқу” режимида бўлса) мутахассис ёрдамида, маълумотларни ҳимоя қилиш воситалари, вирус дастурлари ва масофадан туриб фойдаланиш имкониятининг борлигини текшириш керак. Агар булар мавжуд бўлса, маълумотни ҳимоя қилишнинг маҳсус восита ларини ўчириб қўйиш керак (айниқса, рухсатсиз кириш пайтида барча маълумотларни автоматик равища йўқ қиласиган) ва шунингдек, компьютерда масофадан киришни блокировка қилиш керак, чунки бу жиноятчиларга нафақат терговчи тинтуб ўтказилаётган компьютердаги маълумотларни уни йўқ қилишга, балки компьютер ва унда жойлашган маълумотлар, тинтуб ўтказилаётган компьютерга яқинлашмасдан ҳар қандай ҳаракат ларни бажаришга ёрдам беради

Шундай қилиб, LiteManager Pro масофадан бошқариш дастуридан фойдаланган ҳолда, жиноятчи, исталган жойидан туриб тинтүв ўтказилаётган компьютернинг электр таъминотини бошқариши (ушбу режимдан фойдаланиб, “Wake-On-LAN” функциясидан фойдаланиб компьютерни ўчириш, қайта ёкиш ёки ёкиш; мониторни ўчириш ёки ёкиш ва “уйқу” режимига кўчириш мумкин); тинтүв ўтказилаётган компьютер иш столини масофадан бошқариши ва кўриши; тинтүв ўтказилаётган компьютерда дастурларни масофадан бошқариши; тинтүв ўтказилаётган компьютернинг клавиатураси ва экранини блоклаши; файл тизимини бошқариш ва бошқа амалларни бажариши мумкин.

❖ Компьютерни кўздан кечиришда компьютерни ёкишдан (агар у ёқилган бўлса) бошлаб қайси операцион тизим ўрнатилганлигини, қандай операциялар бажарилганлигини ва қандай дастурлар ишлатилганлигини аниқлаш керак. Компьютер экранидаги тасвирни видеога тушириш (ёки экран расмидан фойдаланиш), агар керак бўлса, ишлаётган дастурларни тўхтатиш керак<sup>79</sup>.

Кўшимча тарзда айтиш мумкинки бундай тергов ҳаракатларининг ўтказалиша мутахассис томонидан амалга оширилиши лозим даражадаги вазифадир.

Кўздан кечириш ёки тинтүвга тайёргарлик кўриш чоғида ишлатилаётган компьютернинг тури ва конфигурацияси тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотга эга бўлиш зарур; маҳаллий ёки глобал тармоқقا (интернетга) уланганлиги; информаявий хавфсизлик ва ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя хизмати мавжудлиги; ҳисоблаш техникаси ўрнатилган жойдаги электр таъминлаш тизими; фойдаланувчилар малакаси; ҳисоблаш техникасига хизмат кўрсатувчи ходимлар тўғрисида маълумот тўплаш зарур.

---

<sup>79</sup> Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш такти-каси [Матн]: ўкув қўлланма / Г. Ф. Мусаев [ва бошк.]. — Ташкент: Baktria press, 2020 — 125-126 б.

Бундай маълумотга эга бўлиш терговчига компьютерда сакланаётган маълумотга эга бўлишни енгиллаштиради ва унинг далилий кучини максималлаштиради. Компьютер маълумотини тезда йуқ қилиш мумкин бўлганлиги учун қўққисдан қилинган тинтув ёки тезкорлик билан ўтказилган кўздан кечириш кўпинча хал қилувчи аҳамиятга эга. Агар компьютерларда маҳаллий компьютер тармоғи ҳосил қилганлиги тўғрисида маълумот олинса, бу тармоқка уланган барча компьютер техникаси жойлашган жойни аниклаш ва компьютер тармоғи ўрнатилган барча жойларда бир вақтнинг ўзида тинтув ташкил қилиш зарур.

Тинтувдан (кўздан кечириш)дан аввал компьютер информациисини йук қилиш ёки унга зарап етказиш имкониятини олдини оловчи чоралар кўриш лозим. Бунинг учун кўздан кечириш пайтида компьютер тармоғини электр куввати билан узлуксиз таъминлаш, кўздан кечириш ёки тинтув утказилаётган жойдан бегоналарни чиқариб юбориш ва ҳеч кимни кўймаслик; қолган шахсларни ҳисоблаш техникаси ва электр токи таъминоти мосламаларига тегиши имкониятидан маҳрум қилиш учун чоралар кўриш зарур. Агар объектда портловчи, тез аллангаланувчи, заҳарли моддалар, электромагнит нур таркатувчи буюм ва аппаратлар бўлса, уларни бартараф килиш керак.

Кўздан кечириш ёки тинтувни информатика ва ҳисоблаш техникаси мутахассиси билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Холислар сифатида хам компьютерда ишлаш билан таниш бўлганларни таклиф қилиш фойдадан ҳоли эмас. Маълумотни факат компьютердагина қидириб қолмасдан, ҳамма хужжатларни, (қоғоз парчаларигача), синчилаб кўздан кечириш зарур, чунки дастурчилар кўпинча, ўз хотираларига ишонмасдан қоғозда пароллар, конфигурация тизимлари ҳақидаги ўзгаришлар, компьютер маълумот базаси тузилиши хусусиятлари тўғрисида ёзувлар қолдиришади. Кўпгина фойдаланувчилар компьютер ишдан чиқсанда маълумотларни йуқотмаслик учун файллар нусхаларини дискетларда саклашади. Шунинг учун, топилган барча маълумот таркатувчи буюмлар олинниб текширилиши керак. Фақат санаб

ўтилган тайёргарлик чораларидан сўнгина терговнинг кейинги босқичига ўтиш керак.

Компьютер маълумотини **қидириш тактикаси**, *биринчидан*, маълумотнинг ҳимояланиш даражаси, *иккинчидан*, тергов харакатлари даврида компьютернинг ва периферия мосламаларининг функционал ҳолатидан келиб чиқкан холда танланиши зарур<sup>80</sup>. Компьютерни юкори даражада ҳимояланганлигига ноқонуний маълумотдан фойдаланишга қарши ва ёки сертификатланган маҳсус ҳимоя воситаларининг мавжудлиги, компьютер тизими жойлашган ҳудуд ва биноларни (техник воситалар ва маҳсус персонал ёрдамида), узлуксиз қўриклиш, жиддий кириб-чиқиш режимларини қўллаш, биноларни маҳсус жихозлаш; маълумот муҳофазаси маъмурияти мавжудлиги, нормал ишлаши ва иш назорати гувоҳи бўлади. Ҳимояланишнинг паст даражаси компьютердан фойдаланишнинг оддий алгоритми (масалан, маълумотлар факат пароль билан ҳимояланган), уни енгиб ўтиш тўғрисидаги ишончли маълумотлар олиш билан ифодаланади, бунда маълумотга етишиш учун маҳсус воситалар ишлатилмайди.

Компьютер маълумотларига ноконуний эришишга карши ҳимояни енгиб ўтиш терговчи фаолиятида энг масъулиятли ишларидан биридир. Айнан нотўғри муомала натижасида маълумотлар (маҳсус программалар ёрдамида) йук килиниши, шу жумладан у ўзгартирилиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун тергов харакатига тайёргарлик қўриш чоғида компьютернинг ҳимоя даражасини (ҳимоя воситалари, пароллар, муҳим сўзлар ва хоказо) иложи борича аниқ ва тўлик аниқлаш зарур. Бир тарафдан, программалаштириш ва хисоблаш техникаси мутахассисларининг умумий фикрларига кўра, ҳимояни тўла кафолатлайдиган техника ва дастур воситалари бугунги кунда мавжуд эмас. Шу боис, умуман олганда, маълумот излашда ҳар қандай тўсикни енгиб ўтиш мумкин. Бошка тарафдан, мавжуд ҳимоя воситалари шунчалар хилмачил ва улар ҳар-хил алгоритмлар ва ҳимояланиш кўринишига эгаки, уларни

---

<sup>80</sup> <https://uz.denemetr.com/docs/768/index-287487-1.html?page=32>

енгиб ўтиш учун кўп вақт талаб килинади. “Хакерлар” орасида бирор мақсадга эришиш химоясини енгиб ўтиш юкори маҳорат саналади.

Компьютер маълумотларини ҳимоялашнинг сабаблари турлича. Жиноятни тергов килиш ва очишга тўсқинлик қилиш мақсадидан ташқари истеъмолчилар маълумотларини компьютерда ишловчининг етарли билим ва маҳоратга эга эмаслиги ва бетартиблигидан ҳимоялашади. Компьютер маълумотларини ҳимоялаш **идентификация (истеъмолчини аниқлаш)** ва **аутентификация (аслига тўғрилигини текшириш)** йўли билан амалга оширилади. Иккинчи тараф субъект ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қиласди.

Аслига тўғрилик паролни билиш, шахсий идентификация номери, криптографик калит; шахсий карточка ёки шу каби мослама; овоз, бармоқ излари ва бошка биометрик хусусиятлар билан тасдикланади. Пароллар аввалдан операциявий тизим ва бошка сервис дастурларга ўрнатилади. Тўғри ишлатилганда, улар кўпгина ташкилотларга хавфсизликнинг мақбул даражасини таъминлай олади.

Шундай бўлсада, хусусиятлар мажмуи бўйича улар аслига тўғриликни тасдиковчи энг заиф воситадир. Паролларнинг ишончлилиги уларни эсда саклаш ва сир тутиш қобилиятига асосланган. Пароль эсда қоладиган булиши учун уни оддий тузишади, бирок қонуний истеъмолчиларнинг қзикишлари, танишлари доираси аввалдан ўрганиб чикилса, паролни топиш қийинчилик туғдирмайди. Баъзи пароллар бошидан сир тутилмайди, чунки улар хужжатларда кўрсатилган стандарт маънога эга бўлади ва тизим ўрнатилганда ҳар доим ҳам ўзгартирилмайди. Паролни киритишни оптик воситалар ва процессор ва монитор тарқатувчи электромагнит нурни қўлга олиш мобайнида аниқлаш мумкин.

Компьютер техникасини қўздан кечириш ёки тинтув пайтида пароль ёрдамида химоя қилишнинг анализи компьютерда топилган криминалистик маълумотнинг ҳақиқий эгасини аниқлашда **терговчига** ёрдам бериши эҳтимоли каттадир. Бошқача килиб айтганда, пароль тизими ишончлилиги

қанча катта бўлса, унинг хақиқий эгаси кимлигини ишонч билан аниқлаш мумкин бўлади ва топилган маълумотнинг далилий кучи шунча юкори бўлади.

Қоғозсиз технология машинавий тарқатувчилар ёки алока тармоклари орқали хужжатлар алмашинуvida бир қатор афзаликларга эга. Аммо бунда хужжат муаллифи ва хужжатни **идентификациялаш** муаммоси туради. Одатий технологияда бу нарса хужжатдаги маълумот жисмоний тарқатувчи билан узвий боғлик Бу муаммо қисман “ракамли имзо” ишлатиш орқали ҳал этилади. Технология шундан иборатки, хужжатни тузган шахс, уни маҳсус дастур - электрон калит ёрдамида кодлаштиради. Бунда иккита калит қўлланилади.

**Биринчиси**, сир тутилмагани, шифровка учун ишлатилиб, истеъмолчининг адреси билан бирга эълон килиниши мумкин.

**Иккинчиси**, маҳфий расшифровка килиш учун ишлатилиб, фақатгина бир шахсга маълумдир. Бу дастур одатда, хужжатнинг муаллифи ёки жўнатилган тарафга маълум бўлиб маҳсус дискетда сакланади. Ракамли имзо иккита функцияни бажаради: маълумотнинг дахлсизлигини таъминлайди ва хужжат муаллифининг шахсини тасдиклайди. Криптографик химоя компьютер ёки магнит тарқатувчидағи маълумотнинг маҳфийлигини таъминловчи энг ишончли воситалардан саналади.

Қидирилаётган маълумот топилганда дисплейнинг жорий тасвири суратга туширилиши ва стандарт воситалар ёрдамида маълумотни доимий тарқатувчига (одатда - магнит диск) ёзиб олиш ёки принтер орқали қоғозга чиқариш зарур. Компьютерни ёқиб ўчириш ва улар билан манипуляция килиш фақат хисоблаш техникаси мутахассиси иштирокида бажарилиши мумкин. Агар объектда электр таъминоти ўчириб қўйилган бўлса, ёнгин ёки портлаш билан боғлик ҳолда, уни ёқишдан аввал компьютер ва ҳамма периферия мосламалари ўчирилганлигини текшириш керак. Объектда мавжуд барча компьютерлар (ёки хотира блоклари) ва магнит тарқатувчилар олиб қўйилиши керак. Уларни объектда ёки бегоналар кириши мумкин бўлган ерларда сақлаш мумкин эмас. Магнит тарқатувчилардаги маълумот жиноятчи томонидан

осонгина йук килиниши мумкин. Бу ҳолатни визуал йул билан аниқлаб бўймайди. Компьютер ва унинг мосламалари мухрланади: разъемлар<sup>81</sup>(электр ўтказгичлари)га қоғоз қўйиб, эгаси ёки эксперт йуқлигига фойдаланишнинг олдини олиш учун унинг четларини компьютернинг ён деворига клей ёки ёпишқоқ варакқа ёзилиб, қоғоз қутида сакланади. Магнит тарқатувчиларни бевосита каноп билан ўраш, уларни тешиш ва уларга имзо, белги қўйиш мумкин эмас. Тергов ҳаракати баённомасида магнит ва бошка доимий магнит тарқатувчиларнинг жисмоний хусусиятлари, аппаратуранинг серия номерлари ва уларнинг индивидуал белгилари қайд этилади. Машинакада ёзилган текстлар баённомага илова сифатида расмийлаштирилади. Купинча аппарат воситаларида маълумот изларидан ташқари криминалистика учун одатий излар ҳам учраб туриши сабабли, кўздан кечиришга мутахассис-криминалистни таклиф килиш ҳам мақсадгага мувофиқдир. Тергов амалиётида компьютер воситаларининг ички элементларида бармок излари, металлни қайта ишлаш асбоблари, қўлда ушлаш излари қолганлиги ҳолатлари маълум.

Гумондор ва жабрланувчиларни бошланғич сўроқ қилишда компьютер тизимининг функцияси ва максади, компьютер техникаси ва у жойлашган ерга ким бемалол кириши мумкинлиги, у ерда бегоналарни пайдо бўлиши ва қандай химоя воситалари ишлатилганлигини аниқлаш зарур. Агар маълумотнинг бир қисми махфий бўлса, ким ундан фойдаланишга рухсат берган ва аслида ким фойдаланган: Жиноят натижасида қандай зарап (мулк, номулк шаклида) етказилган ва уни камайтириш йули борми деган саволларга ойдинлик киритиш лозим.

Юқорида ўрганилган манбалар асосида шуни айтишимиз мумкинки, жиноят-процессуал қонунчилигимиз ҳам ўзида бугунги даврга монанд жиноятлар учун ўзгаришларни акс эттириши лозим. Хусусан, кибержиноятларни тергов қилишга доир ишлар юзасидан алоҳида боб

---

<sup>81</sup> <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1115345>

сифатида **рақамли далилларни тўплаш** тартибини белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Дарҳақақат, кибержиноятларда далил ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бормаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши учун аҳамиятли ҳисобланади. Яъни бунда шуни назарда тутмоқдамизки, бугун қўплаб тергов органлари томонидан керакли жойларга сўровлар юбориш орқали далиллар тўплаш амалиётида қўплаб қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шу сабабдан далиллар тўплашнинг процессуал қонунчиликда тартиби белгиланиши жиноят ишини тергови давомида муаммоларни бартараф этади, деб умид қиласиз.

Шунингдек, яна бир муаммо сифатида айтишимиз мумкинки, кибержиноятларни тергов қилиш юзасидан алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибини белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳамда, кибержиноятларга бевосита дахлдор тергов ҳаракатлари ўтказилишида, яъни қуидаги тергов ҳаракатлари: *кўздан кечириши, олиб қўйиши ва тинтув, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриши, улар орқали узатиладиган ахборотни олиши, экспертиза текшируви учун намуналар олишида* “ИТ”мутахассисининг иштирокини шарт этиб белгиланиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда тергов органларининг етарли даражада билим ва кўникуммага эга бўлмасликлари натижасида кўплаб иш учун аҳамиятга молик далилларнинг йўқолишига олиб келмоқда.

### **III. КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШГА ДОИР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Кибержиноятларни тергов қилишга доир халқаро стандарт**

Замонавий дунёда ахборот жамият тараққиётининг энг муҳим таркибий қисмига айланди десак асло муболаға бўлмайди. Жамиятнинг ахборот жамиятига айланиши шуни англатадики, ҳар қандай шахсий маълумот аҳамиятли бўлиб бормоқда. Айни пайтда маълумот энг муҳим қадриятлардан бири сифатида тан олинган, шунга кўра, унинг ҳимояси уни қабул қилиш ва этказишдан кам бўлмаган муҳим фаолиятдир. Масалан, Араб баҳори деб аталмиш инқилобий воқеалар оммавий ахборот воситалари ва сиёсий нутқдаги ахборот-коммуникация технологияларининг роли билан узвий боғлиқ бўлиб чиқди. Мисли кўрилмаган ахборот тарқатиш тезлиги Интернет (асосан ижтимоий тармоқлар орқали) яширинишни истаган режимларга қарши ҳаракатлари халқаро миқёсдаги репрессив ҳаракатлари жамоатчилик ва ахборот урушини олиб бориш бўйича етарли маҳоратга эга бўлмаган.

Ҳозирги вақтда глобаллашув тенденциялари ва у олиб келадиган муаммолари кучаймоқда. Бундай шароитда трансмиллий кибержиноятларга қарши курашишда барчанинг иштирок этиш масаласи глобал қонун устуворлигининг салбий оқибатларига барҳам беради. Кибержиноятчилик муаммосининг глобал моҳиятини тушуниш жуда муҳимдир. Шундай қилиб, ҳозирда киберхужумлар нафақат хусусий шахсларнинг ишини фалаж қилмоқда балки дунёдаги тузилмаларни ҳам, ушбу турдаги ҳужумлардан ҳимояланишни амалга оширадиган давлат органлари ҳам, давлат ҳам йўқ. Эҳтимол кибер таҳдид манбалари нафақат хакерлар ёки уларнинг гурухлари, балки алоҳида давлатлар, террористик, жиноий гурухлар ҳам ҳисобланади. Кибержиноятларга қарши курашишда курашиш воситалари ва усусларини ишлаб чиқишида жиноятнинг латентлик даражасидан хабардор бўлиши керак.

Мутахассислар тахминига кўра “компьютер жинояти”нинг латентлиги АҚШда 80% га, Буюк Британияда - 85% га, Германияда - 75% га, Россияда - 90%га кўпроқдир<sup>82</sup>. Symantec Security халқаро киберхавфсизлик хизмати маълумотларига кўра, “ҳар сонияда” дунё бўйлаб 12 киши киберхужумга учрайди ва дунёда ҳар йили тахминан 556 млн кибержиноятлар содир этилади ва бунинг натижасида 100 миллиард АҚШ доллардан зиёд зарар этказилади<sup>83</sup>.

Дунёда кибержиноятчиликка қарши курашишнинг етарлича самарали тизимлари мавжуд. Айни пайтда етакчи дунё мамлакатлари фаол равишда киберкосмосда хужум қобилиятининг ривожланишини таъминлаши керак бўлган қуролли кучлар ва маҳсус хизматларнинг бўлинмаларини яратмоқда ва уларни кенгайтириб бормоқда.

Масалан, Қўшма Штатларда, аллақачон фаолият кўрсатаётган Миллий киберхавфсизлик маркази билан бир қаторда Қуролли Кучлар Бирлашган Кибер Қўмондонлиги ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш пайтида Пентагон тузилмалари тегишли ёрдамни тақдим этади. Бу глобал миқёсда барчанинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб боради. Фуқаролик федерал институтлари ва шунга ўхшаш дастурий таъминот билан ўзаро алоқададир<sup>84</sup>.

Шу билан бирга, ушбу ташкилотлар қисман назорат қилинадиган бўлимлардир, чунки олий назорат қилувчи тузилма “Кенгашдир”. Миллий хавфсизлик масъулият соҳасидаги қўмиталар ахборот стратегиясини амалга оширишни ўз ичига олади<sup>85</sup>.

Киберқурол дастурлари Буюк Британияда расмийларнинг кибер космосдан келиб чиқадиган таҳдидларга қарши туриш қобилиятини таъминлашда амалга оширилади<sup>86</sup>.

<sup>82</sup> Vardanyan A.V., Nikitina E.V. Rassledovanie prestuplenii v sfere vyso-kikh tekhnologii i komp'yuternoi informatsii [Investigation of Hi-Tech and Computer Information Crimes]. Moscow, Yurlitinform Publ.

<sup>83</sup> Karpova D.N. Cybercrimes: a global issue and its solution. Vlast' = The Power no. 8, pp. 46–50. (In Russian).

<sup>84</sup> Berd K. A war with many unknown quantities. Computerra, 2009, no. 20, pp. 26–29. (In Russian).

<sup>85</sup> Zav'yalov S. International experience in fighting the propaganda of terrorism in the Internet. Zarubezhnoe voennoe obozrenie = Foreign Military Review, 2014, no. 4, pp. 34–39. (In Russian).

<sup>86</sup> Khimchenko I.A. Informatsionnoe obshchestvo: pravovye problemy v usloviyakh globalizatsii. Kand. Diss.[Information society: legal basis in the conditions of globalization. Cand. Diss.]. Moscow, 2014. 174 p

Австралияда электрон почта хавфсизлигини мувофиқлаштириш гурухи ташкил этилган бўлиб, ушбу гурухнинг асосий вазифаси ҳам давлат, ҳам хусусий сектор учун операцион маконни ишончли ҳимоя электрон тизим яратишдир<sup>87</sup>.

Кибержиноятларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар нафақат алоҳида давлатлар томонидан амалга оширилади, балки уларнинг блоклари, хусусан НАТО томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Шундай қилиб, сўнгги йилларда қабул қилинган барча блок-йўриқ хужжатларида акс эттирилгани ушбу муаммонинг аҳамияти кўрсатиб беради. Стратегик жиҳатдан биринчи марта НАТО концепциясида альянс фаолиятида қоидалар киритилган бўлиб ҳарбий соҳанинг янги йўналиши сифатида кибер майдон пайдо бўлган<sup>88</sup>.

Бундай жиноят тури глобаллашиб бораётганини эътиборга оладиган бўлсак, бугун ҳеч қайси мамлакат ушбу хавфга нисбатан мустақил равища бир ўзи қаршилик кўрсата олмайди. Бундай шароитда халқаро ҳамкорлик кенгайтириш, кибержиноятчиликка қарши биргаликда ҳаракат қилиш ва уни текшириш борасида тегишли органлар фаолиятини тартибга солиш ҳамда ўзаро ҳамкорликнинг халқаро хуқуқий механизmlарини ишлаб чиқиш ягона йўлдир<sup>89</sup>. Шуларни инобатга олиб айтадиган бўлсак, буларни тартибга солиш юзасидан қўйидаги норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилингин.

Кибержиноятчиликка қарши Будапешт конвенсияси 2001 йил 23-ноябръ Интернет ва компьютер жинояти (кибержиноят)ларни уйғунлаштириш орқали миллий қонунлар, тергов усулларини такомиллаштириш ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ошириш юзасидан имзоланган. Конвенция ва унинг изоҳли маъruzаси Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси 2001 йил 8-ноябрдаги 109-сессиясида имзолаш учун Будапештда очилган ва 2001 йил 23-ноябрда кучга кирган. 2019 йил сентябръ ойига қадар 64 давлат ушбу конвенцияни

<sup>87</sup> Zgadzai O.E., Kazantsev S. Ya. Cybercrime: factors of danger and problems of struggle. Vestnik GU «Nauchnyi tsentr bezopasnosti zhiznedeyatel’nosti detei» = Bulletin of «Research Center for the Security of Children», 2013, no. 4 (18), pp. 80–86. (In Russian).

<sup>88</sup> Gradov A. The activities of the North Atlantic Treaty Organization in the sphere of cyber-security. Zarubezhnoe voennoe obozrenie = Foreign Military Review, 2014, no. 7, pp. 13–16. (In Russian)

<sup>89</sup> Тожиев С. Кибержиноятчилик шахс ва жамият хавфсизлигига таҳдид. // www.aza.uz

ратификация қилди, яна тўртта давлат конвенцияни имзолади, аммо уни тасдиқламади<sup>90</sup>.

У кучга киргандан буён Бразилия ва Ҳиндистон каби муҳим давлатлар Конвенцияни ишлаб чиқишида қатнашмаганликлари сабабли қабул қилишдан бош тортилар. Бу кибержиноятчиликни тартибга солувчи биринчи кўп томонлама ҳуқуқий мажбурий воситадир. 2018 йилдан бошлаб, Ҳиндистон кибержиноятчилик кучайганидан кейин Конвенсиядаги позициясини қайта кўриб чиқмоқда, аммо чет эл агентликлари билан маълумот алмашиш хавотирлари уни ратификация қилишдан сақлаб қолмоқда.

2006 йил 1 мартда Кибержиноятчилик тўғрисидаги конвецияга қўшимча протокол кучга кирди. Қўшимча протоколни ратификация қилган давлатлар ирқчи ва ксенофобик компьютер тизимлари орқали материал, шунингдек, ирқчилик ёки ксенофобия томонидан таҳдид ва ҳақорат тарқатишни жиноий жавобгарликка тортишлари шартлиги белгиланди<sup>91</sup>.

Конвенция Интернет ва бошқа компьютер тармоқлари орқали содир этилган жиноятлар бўйича биринчи халқаро шартномадир, хусусан муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши, компьютер билан боғлик фирибгарлик, болалар порнографияси, таҳдид жиноятлари ва тармоқ хавфсизлиги жиноятларини ўз ичига олади. Шунингдек, у компьютер тармоқларини қидириш ва қонуний ушлашга доир қатор ваколатлар ва процедуralарни ўз ичига олади. Унинг муқаддимасида келтирилган асосий мақсади жамиятни ҳимоя қилишга қаратилган умумий жиноят сиёсатини олиб боришидир. Шунингдек, кибержиноятларга доир тегишли қонунларни қабул қилиш ва жорий этиш орқали халқаро ҳамкорликни тарғиб этади.

Конвенция асосан қуйидагиларга қаратилган:

<sup>90</sup> Convention on cybercrime, opening of the treaty: Budapest, 23/11/2001. URL: [www.coe.int/en/web/cybercrime/the-budapest-convention](http://www.coe.int/en/web/cybercrime/the-budapest-convention)

<sup>91</sup> <http://indianexpress.com/article/india/home-ministry-pitches-for-budapest-convention-on-cyber-security-rajnath-singh-5029314/>

- кибержиноятчилик соҳасидаги ҳукуқбузарликлар ва улар билан боғлиқ қоидаларни ички жиноят моддий-ҳукуқий элементларини уйғунлаштириш;
- ички жиноят-процессуал қонунчилигини тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган ваколатларни, шунингдек, электрон тизимда бўлган компьютер тизими ёки далиллар ёрдамида содир этилган бошқа ҳукуқбузарликларни таъминлаш;
- халқаро ҳамкорликнинг тезкор ва самарали режимини ўрнатиш.

Конвенцияда қуйидаги ҳукуқбузарликларга алоҳида эътибор қаратилган: ноқонуний кириш, ноқонуний йўл билан тутиш, маълумотларга аралашиш, тизимга аралашиш, қурилмалардан нотўғри фойдаланиш, компьютер билан боғлиқ қалбакилаштириш, компьютер билан боғлиқ фирибгарлик, болалар порнографияси ва муаллифлик ҳуқуқи ҳамда бошқа ҳукуқлар билан боғлиқ ҳукуқбузарликлардир<sup>92</sup>.

Шу билан бир қаторда 2014 йилда Африка Иттифоқининг Киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциясида кибержиноятлани тергов қилишда Африка давлатларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги масалалари кўриб ўтилган. Хусусан, унда назарда тутилишича конвенция иштирокчиларининг кибормаконда ҳуқук ва эркинликлари кафолатланиши белгиланиб қўйилган<sup>93</sup>.

Дарҳақиқат, кўришимиз мумкинки бутун дунё ушбу турдаги жиноятларга курашаётган бир даврда МДҲ мамлакатлари ҳам бундан четда турмади. 2018 йил 28 сентябрь кибержиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилиш масаласини тартибга солувчи ихтисослаштирилган ҳужжатлардан бири ҳисобланмиш Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ўртасида ахборот технологиялари соҳасида жиноятларга қарши курашиш бўйича Битим имзоланди. Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Белорусия,

---

<sup>92</sup> Convention on cybercrime, opening of the treaty: Budapest, 23/11/2001. URL: [www.coe.int/en/web/cybercrime/the-budapest-convention](http://www.coe.int/en/web/cybercrime/the-budapest-convention)

<sup>93</sup> african-union-convention-cyber-security-andpersonal-data-protection

Қозогистон, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Молдова Республикаси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина ушбу Битим қатнашчиларири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.02.2019 йилдаги ПҚ-4188-сонли қарори билан 2018 йил 28 сентябрда МДҲ давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлисида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни тасдиқлади. Ушбу Битимни амалга ошириш бўйича ваколатли органлари сифатида *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ахборотлаштириши ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси* белгиланди.

Ушбу хужжат доирасида, ахборот технологиялари соҳасида қўйидаги ҳаракатларни (агар улар қасдан қилинган бўлса) тергов қилишда Битимга қўшилган давлатлар билан ҳамкорлик қилиш мумкин:

- а) ахборотни йўқ қилиш, блокировка қилиш, ўзгартириш ёки нусхалаш, ахборот (компьютер) тизимининг ишлашини қонун билан ҳимояланган компьютер маълумотларига рухсатсиз кириш орқали халақит бериш;
- б) зарап келтирувчи дастурларни яратиш, фойдаланиш ёки тарқатиш;
- в) компьютер тизимидан фойдаланиш ҳукуқига эга бўлган шахс томонидан қонун билан қўриқланадиган компьютер маълумотларини йўқ қилишга, блокировка қилишга ёки ўзгартиришга олиб келадиган қоидаларнинг бузилиши, агар бу хатти-ҳаракатлар жиддий зарап ёки жиддий оқибат ларга олиб келган бўлса;
- г) компьютер оммавий ахборот воситаларида сақланадиган ёки маълумотлар тармоқлари орқали узатиладиган компьютер тизимида ишлов берилган маълумотни ўзгартириш ёки компьютер тизимига нотўғри маълумотлар киритиш орқали мулкни ўғирлаш;
- д) қонун билан ҳимояланган компьютер маълумотларига рухсатсиз кириш билан;

е) порнографик материаллар ёки вояга етмаган шахс тасвириланган порнографик хусусиятга эга объектларни “Интернет” ахборот-телекоммуникация тармоғидан ёки бошқа электр алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш;

ж) хавфсиз компьютер тизими ёки тармоғига рухсатсиз кира олиш учун маркетинг ёки махсус дастурий ёки аппарат воситаларини сотиш учун ишлаб чиқариш;

з) муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган компьютер тизимлари ва маълумотлар базалари учун дастурий таъминотдан ноқонуний фойдаланиш, Шунингдек, муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириш, башарти бу ҳаракат жиддий зарар етказган бўлса;

э) “Интернет” ахборот-телекоммуникация тармоғи ёки бошқа электр алоқа каналлари ёрдамида белгиланган тартибда экстремистик деб тан олинган ёки террорчилик фаолиятини ёки терроризмни оқлашга қаратилган материалларни тарқатиш”<sup>94</sup>.

Ушбу Битимнинг 4-моддаси иштирокчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг қуидаги шаклларини белгилайди:

- а) маълумот алмашиш, шу жумладан:
  - ахборот технологиялари соҳасида ва улар билан боғлиқ бўлган жисмоний ва юридик шахслар томонидан тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар тўғрисида;
  - ушбу соҳадаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, унга йўл қўймаслик, очиш ва тергов қилишнинг шакллари ва усувлари тўғрисида;
  - ахборот технологиялари соҳасида жиноятлар содир этиш усувлари тўғрисида;
  - ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, унга йўл қўймаслик, очиш ва тергов қилишни тартибга соловчи миллий қонунчилик ва томонларнинг халқаро шартномалари тўғрисида;

---

<sup>94</sup> “Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ахборот технология лари соҳаси-даги жиноятларга қарши кураш бўйича ҳамкорлиги тўғрисида”ги Битим, 3-моддаси

б) уни сўраётган томоннинг фуқаросига ёки сўраётган томоннинг худудида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун содир этилган жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, очиш ва тергов қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган маълумотларни олишга ёрдам сўровларини бажариш;

в) ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга йўл қўймаслик, очиш ва тергов қилиш бўйича келишилган тадбирлар ва операцияларни режалаштириш ва ўтказиш;

г) ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда, шу жумладан, стажировкадан ўтиш, конференциялар, семинарлар ва ўқув курсларини ташкил қилишда кўмаклашиш;

д) ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга йўл қўймаслик, очиш ва тергов қилиш бўйича вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни яратиш;

е) нашрлар ва тадқиқотлар натижа лари билан алмашиш, Шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашда ўзаро қизиқиши уйғотадиган масалалар бўйича кўшма тадқиқотлар ўтказиш;

ж) ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар, илмий-техник адабиётлар алмашинуви;

з) ўзаро таъсир ўтказиш ва тажриба алмашиш орқали ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга йўл қўймаслик, очиш ва тергов қилишда фойдаланиладиган дастурий маҳсулотлар ва ечимлар алмашинуви;

и) компьютер тизимларида сақланадиган маълумотларнинг тезкор сақланиши тўғрисида сўровни бажариш;

к) бошқа ўзаро мақбул шакллар

таъкидлаш жоизки, ушбу Битим юридик ёрдам сўраб мурожаат қилиш учун хуқуқий асос бўлиб хизмат қила олмайди, аксинча норасмий (тезкор) ҳамкорликни назарда тутади.

Шу билан бирга, Битим маълумот тақдим этишни, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни сўрашга имкон беради, уларнинг натижалари келажакда терговнинг бир қисми сифатида ўзаро ҳукуқий ёрдам (амалиётчилар орасида “халқаро тергов буйруғи” деб аталади) учун расмий сўров юбориш учун ишлатилиши мумкин.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга нисбатан, айниқса, муҳим бўлган нарса, Битим компьютер тизимларида сақланадиган маълумотларнинг тезкор хавфсизлигини таъминлаш учун сўровни бажариш имкониятини белгилайди. Маълумотни сақлаш бўйича чоралар кўрилгандан сўнг, тергов идоралари бундай маълумотларни олиш тўғрисида расмий сўров юборишлари мумкин<sup>95</sup>.

### **3.2. Кибержиноятларни тергов қилишга доир хорижий тажриба ва уни миллий қонунчилигимизга қўллаш истиқболлари**

Шунингдек, бир қатор хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил этишимиз мақсадга мувофиқдир. Хусусан, **Япония** жиноят кодексида ушбу турдаги жиноятлар учун ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар айнан бир бўлим ёки бобда эмас, балки кодекснинг турли бобларида акс этган. “Хужжатларни қалбакилаштириш соҳасидаги жиноятлар” номли XVII боб қуидагиларни назарда тутади: – давлат хизматчисини расмий тасдиқланган хужжатда нотўғри ёзувларни киритишга мажбур қиласидиган ҳаракатлар, хусусан ҳуқук ва мажбуриятлар билан боғлиқ расмий тасдиқланган хужжатнинг асл нусхаси бўлган электромагнит муҳитда сохта ёзувлар киритиш (157-модда (расмий хужжатларни сохталаштириш); – сохта хужжат ёки тасвир(расм)ни тарқатиш, электромагнит ташувчиларда ёзувни тақдим

---

<sup>95</sup> Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш такти-каси [Матн]: ўкув қўлланма / Г. Ф. Мусаев [ва бошк.]. — Ташкент: Baktria press, 2020

етиш, ҳужжатни ёки расмни қалбакилаштирган ёки ўзгартирган, сохта ҳужжат ёки чизма яратган ёки уларга нотұғри маълумотлар киришиңи ташкиллаштирган шахс каби жазоланади. (158-модда (сохта расмий ҳужжатни тарқатиши); – бирор юридик фактни расмийлаштириш, ҳуқуқларни амалга оширишда фойдаланиш учун мүлжалланган учинчи шахс фаолиятини ноқонуний түсиб қўйиш мақсадида электромагнит тарқатувчилари воситасида ғайриконунный ҳужжат тайёрлаш; агар юқорида айтиб ўтилган жиноят давлат органи ёки давлат хизматчиси томонидан амалга оширилса (161-модда 2-қисм (электромагнит воситалари орқали ноқонуний ҳужжатлар яратиши); “Ишchanлик обрўси ва тадбиркорликка қарши жиноятлар” номли XXXV боб қуйидаги компьютер жиноятларини назарда тутади: – тадбиркорни ишchanлик обрўсига компьютер базасидаги электромагнит ҳужжатларни йўқ қилиш, унга нотұғри маълумотлар, буйруқлар ёки бошқа усууларни кириши мақсадида зид равишида ҳаракат қилиш орқали зарар етказиш (234-модда 2-қисм (компьютерга зарар етказиш орқали тадбиркорликка тўсқинлик қилиш); “Фирибгарлик ва товламачилик жиноятлари” номли XXXVII боб қуйидаги компьютер жиноятлари учун жавобгарлик белгилайди: – мулк ҳуқукини олиш, ўзгартириш ёки йўқотиши тўғрисида гувоҳлик берувчи сохта электромагнит ҳужжатларни бошқа шахс томонидан бизнес операцияларида ишлатиладиган компьютерга нотұғри маълумотлар ёки буйруқларни кириши, сохта электромагнит ҳужжатларни бошқа шахснинг тадбиркорлик фаолияти давомида муомалага чиқариш ва бундан ноқонуний даромад олиш ёки учинчи томон фойда олишига ҳисса қўшиш орқали тайёрлаш (246-модда 2-қисм (компьютер фирибгарлиги).

“Жиноятни яшириш ва йўқ қилиш турдаги жиноятлар” номли XL боби қуйидаги компьютер жиноятларини белгилайди: – давлат органлари иш юритувида фойдаланиладиган электромагнит ташувчидағи ҳужжатларни йўқ қилиш ёки бузиб кўрсатиш (258-модда (давлат органлари расмий ҳужжатларни йўқ қилиш); – бошқа шахс томонидан фойдаланиладиган ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш билан боғлиқ бўлган

электромагнит ташувчидаги хужжатни йўқ қилиш ёки бузиш (259-модда (шахсий хужжатларни йўқ қилиш)<sup>96</sup>.

Шунингдек, Японияда бу турдаги жиноят икки гурухга ажратилган бўлиб, 1-гурухга компьютерларга кириш билан боғлиқ жиноятлар деб номланиб, ушбу гурухга компьютер фирибгарлиги, ёзувларга зарар етказиш ва бизнесга аралашиш, тўлов карталари билан боғлиқ, компьютерга рухсатсиз кириш каби жиноятлар ва 2-гурухга Интернет тармоғидан фойдаланиш орқали содир этиладиган жиноятлар деб номланиб, ушбу гурухга фирибгарлик, муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши, ахлоқиз характердаги одобсиз хабарлар юбориш, болалар порнографияси билан боғлиқ материалларни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар киритилган<sup>97</sup>

МДҲ давлатлари томонидан жиноий қонунчиликда компьютер ахборотлари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини қонуний тартибга солиш бўйича муайян тажриба тўпланган.

Европанинг ривожланган мамлакатлари қаторига кирувчи **Францияда** эса, ИТ-технологиялари ёрдамида содир этилган, яъни маълумотларни автоматик қайта ишлаш соҳасидаги заарли сохта банк карталари ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилувчи паролларни клонлаш, бузиш имконини берадиган дастурий таъминот, компьютер ёки тармоқлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, иккинчи гурухга эса, жиноий ишларни тайёрлаш ва содир этишда рақамли технологиялардан фойдаланишга оид жиноятлар кибержиноятлар тоифасига киритилган бўлиб<sup>98</sup>, Жиноят кодекси орқали санкцияланган компьютер жиноятларини умумий объектига нисбатан З та катта туркумга ажратиш мумкин:

1) компьютер воситасидан фойдаланиб содир этиладиган шахсга қарши қаратилган жиноятлар;

<sup>96</sup> Официальное издание The Penal Code of Japan (Law No. 45 of 1907, as amended by Law No. 77 of 1921, Law No. 61 of 1941, Law No. 124 of 1947, Law No. 195 of 1953, Law No. 57 of 1954, Law No. 107 of 1958, Law No. 83 of 1960, Law No. 124 of 1964, Law No. 61 of 1968, Law No. 30 of 1980, Law No. 58 of 1987, Law No. 31 of 1991).

<sup>97</sup> Н.А.Морозов. Борьба с компьютерной преступностью в Японии // Обществои право. 2014. № 2(48). – с. 144.

<sup>98</sup> А.В.Федоров. Информационная безопасность в мировом политическом процессе: учеб, пособие. – М.:2006. – с.111.

2) компьютер воситасидан фойдаланиб содир этиладиган мулкка қарши қаратилган жиноятлар;

3) компьютер воситасидан фойдаланиб содир этиладиган миллат, давлат манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар.

ЖК 411<sup>8</sup>-моддаси бўйича чет давлат, чет эл корхонаси ёки чет эл назорати остидаги корхона, ташкилотга ёки уларнинг вакиллари ҳисобидан ЭҲМ ёки картотекалар хотирасидаги маълумотлар, хужжатлар, ахборотлар, предметлар, методлар, қурилмаларни қўлга олиш ёки етказиш мақсадида хатти-ҳаракатларни амалга оширган шахс жиноят содир этишда айбдор деб топилади. Франция ЖК 4-китоби 1-бўлими 3-боби миллий мудофаага бўлган тажовузлар ҳақида бўлиб, унинг “Миллий мудофаа сирларига бўлган тажовузлар”, деб номланган 2-қисмида “ЭҲМ ёки картотекалар хотирасидаги маълумот, ҳужжат, предмет, ахборотлар – ушбу миллий мудофаа учун муҳим бўлган маълумотларни тарқалишини чеклаш мақсадида ҳимоя чоралари обьектлари бўлиб, миллий мудофаа сирлари ҳисобланадилар”, деб белгиланган.

Франция жиноят қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигидан фарқли равишда, фақатгина жисмоний шахслар учун эмас, балки жиноят содир этишда айбдор деб топилган юридик шахслар учун ҳам жиноий жавобгарлик масаласини белгилайди. Хусусан, Франция Жиноят кодекси 121-2, 226-16, 226-17, 226-18, 226-19, 226-20, 226-21 ва 226-23-моддалари, шунингдек, 226-22-модданинг 1-қисмида кўрсатилган жиноятларда юридик шахслар юридик шахслар жиноят субъекти сифатида қаралиши мумкин.

АҚШ жиноят қонунчилигига ахборот технологиялари ва коммуникация воситалари орқали жосуслик, ўзгалар ахборот технологиялари ва коммуникацияларига рухсатсиз кириш, қасдан ҳимояланган ахборот технологиялари воситаларига киберхужум орқали шикаст етказиш, зарар келтириш, ўғрилик қилиш, таҳдид қилиш, талончилик, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш ва бошқа шу каби жиноятлар белгилаб қўйилган бўлса,

кибержиноятчилар учун жарима ва қамоқ жазолари тайинланишлiği аниқ жиноят қонунчилигидә күрсатиб қўйилган.

АҚШда кибержиноятчилик ва унга қарши курашиш ўзгача ривожланган бўлса, Россияда бошқача ривож топган. Масалани янада аниқроқ тушунтирадиган бўлсак, “Telegram”, “WhatsApp”, “Одноклассники”, “Facebook” каби ижтимоий тармоқлар аслида ўзаро мулоқот учун зарур бўлсада, аммо уларнинг қулайлиги ва хавфсизлиги турлича бўлганлиги сабабли ҳам кибержиноятчилар ушбу технологияларга қарши ҳужум қилишдан олдин қайси бирининг хавфсизлиги заиф эканлигини аниқлайди ва шунга қараб ўзининг кейинги ҳаракатларини олиб боради. АҚШда CERT Интернет хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил қилинган ва у томонидан 1988 йилда 6 та, 1989 йилда 132 та, 1990 йилда эса, 252 та киберходиса аниқланган<sup>99</sup>. 1990 йилда АҚШда “Sundevil” операцияси уюштирилиб, АҚШнинг 14 шаҳридаги ҳаккерларга нисбатан мисли кўрилмаган ов уюштирилган. Бунинг оқибатида, 1993 йилда Лас-Вегасда ҳаккерларнинг биринчи ҳар йили ўтказиладиган йигилиши бўлиб ўтган<sup>100</sup>.

Булар шуни англатадики, АҚШда мисли кўрилмаган даражада бу турдаги жиноятлар учун кураш олиб борилади. Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, Ахборот ва ахборот технологиясидан жиноят мақсадида фойдаланиш муаммоси борган сари барча давлатларни ташвишга солмоқда. Компьютер ва электрон тармоқлардан, коммуникация воситаларидан фойдаланиш ва тарқатиш шундай жиноятларга сабаб бўлувчи хавф ва зарар кўламини кучайтиради<sup>101</sup>.

АҚШда кибержиноятларга қарши курашиш юзасидан биринчи норматив ҳужжат 1978 йилда АҚШнинг Флорида ва Аризона штатларида

<sup>99</sup> Л.П.Зверянская. Исторический анализ этапов развития киберпреступности и особенности современных киберпреступлений // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2016. – Т. 15. – С. 881–885. –URL: <http://e-koncept.ru/2016/96090.htm>.

<sup>100</sup> А.Николаева, М.Тумбинская. Киберпреступность: история развития, проблемы практики расследования. Казанский национальный исследовательский технический университет им. А.Н.Туполева-КАИ Казань, Россия. Материалы международной конференции Soricom 2014 // 13-17 октября 2014. <https://computermuseum.ru/articles/materialy-mezhdunarodnoy-konferentsii-soricom-2014/629/>.

<sup>101</sup> Р.А. Каламкарян, Ю.И.Мигачев. Международное право: Учебник – М.: Эксмо, 2004. – С.426.

қабул қилинган “Компьютер жиноятлари түғрисида”ги акти<sup>102</sup> ҳисобланади. Бу норматив-хуқуқий хужжат фақатгина, компьютер жиноятларига нисбатан жиноий жавобгарликни белгиловчи биринчи қонун бўлиб қолмасдан, балки жиноятчилик соҳасида янги давр – кибержиноятчиликнинг бошланиши ҳақидаги биринчи ишора ҳам эди. Жумладан, АҚШ интернет орқали товарлар, хизматлар, капитал ва маълумотларни эркин ҳаракат қилиш имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш учун 2006 йилда АҚШ Европа Кенгашининг кибержиноятчилик түғрисидаги Конвенциясини (Будапешт Конвенцияси) ратификация қилди ва уни маъқуллаган 16-давлат бўлди<sup>103</sup>. Конвенцияга биноан АҚШ халқаро жараёнларни қўллаб-куватлади.

Кибержиноятларга қарши курашиш соҳасидаги процессуал қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш, шу жумладан “Кучли еттилик” мамлакатлари орасида ахборот тўплаш ва алмашиш саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун норасмий канал яратишни таклиф қилди. Бундан ташқари, АҚШ хуқуктартибот идоралари кибержиноятчиларни ҳибсга олиш ва экстрадиция қилишда кўплаб ҳамкор давлатлар билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2009 йилдан бошлаб АҚШ Конгрессининг ҳар бир сессиясида киберхавфсизликка қарши курашишга қаратилган бир неча қонун лойиҳалари кўриб чиқилди, бироқ улардан фақат бир нечтаси ҳар икки фракциянинг кўмагини олди ва қонунларга айланди. Улардан бири юқорида таъкидлаганимиздек, 2015 йилдаги “Киберхавфсизлик түғрисида”ги актдир. (The Cybersecurity Act of 2015)<sup>104</sup>.

---

<sup>102</sup> F.L. Computer Crimes Act tit. XLVI Chapter 815 (1978) on-line [http://www.flsenate.gov/Statutes/index.cfm?App\\_mode=Display\\_S Statute&URL=Ch0815.htm](http://www.flsenate.gov/Statutes/index.cfm?App_mode=Display_S Statute&URL=Ch0815.htm) cited April.

<sup>103</sup> Конвенция о защите физических лиц при автоматизированной обработке персональных данных (Страсбург, 1981 г.). Доступ из справ. правовой системы «КосультантПлюс».

<sup>104</sup> Jenna McLaughlin, Last-Minute Budget Bill Allows New Privacy-Invasive Surveillance in the Name of Cybersecurity, THE INTERCEPT (Dec. 18, 2015), <https://theintercept.com/2015/12/18/lastminute-budget-billallows-new-privacy-invasive-surveillance-in-the-name-of-cybersecurity/>; Mark Jaycox, EFF Opposes Cybersecurity Bill Added to Congressional End of Year Budget Package, EFF (Dec. 18, 2015), <https://www.eff.org/deeplinks/2015/12/statement-finalized-congressionalcybersecurity-bill>.

Ушбу акт давлат органлари, шунингдек, улар ва ушбу дастурда иштирок этиш учун ихтиёрий розилигини билдирган бизнес ташкилотлари ўртасида кибер таҳдидлар ҳақида маълумот алмashiшни тартибга солади. Таъкидлаш керакки, 2010 йилдан Америка Қўшма Штатларида Кибер ҳодисаларга жавоб бериш бўйича миллий режа (The National Cyber Incident Response Plan – NCIRP)ни ишлаб чиқила бошланган ва ушбу режа ҳар йил бошида даврий мақсадларга мослаштирилади. Кибер ҳодисаларга жавоб бериш бўйича миллий режани тузувчи ташкилот кибер ҳодисаларга қарши миллий ёндашувни тавсифлайди; хусусий сектор, штатлар ва маҳаллий ҳукуматлар ва бир нечта федерал агентликлар инсидентларга жавоб беришда қандай рол ўйнашини ва барчанинг ҳаракатлари интеграциялашган жавоб чоралари учун қандай қилиб мос келишини муҳокама қиласиди<sup>105</sup>. Шундай қилиб ушбу ташкилот миллий даражада турли хил кибер ҳодисалар ҳолатида баъзи ташкилотларнинг роли, мажбуриятлари ва амалга ошириши лозим бўлган процедуралари тўғрисида аниқ тавсиф беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, юқорида амалга оширилган таҳлиллар, амалий хулосалар ва хорижий тажрибани ўрганиш давомида бир қанча назарий, ташкилий ва амалий тавсия ҳамда шу борада жамланган фикрларимизни келтириб ўтдик. Ишонамизки, келтирилган тавсияларимиз кибержиноятларни тергов қилишда фуқароларимизнинг ҳукуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ҳиссасини қўшади.

---

<sup>105</sup> [https://www.us-cert.gov/sites/default/files/ncirp/National\\_Cyber\\_Incident\\_Response\\_Plan](https://www.us-cert.gov/sites/default/files/ncirp/National_Cyber_Incident_Response_Plan).

## **ХУЛОСА**

Тадқиқот ишида келтирилган фикрларга таянган ҳолда ўзимизнинг хуросавий ғояларимизни уч гурухга бўлиб, уларда тегишли тавсия ва таклифларни аниқ ва лўнда изоҳлаймиз:

### **I. Ташкилий тавсия ва таклифлар**

1. Кибержиноятларга қарши курашишда хар қандай кибертаҳдид ёки киберхужумларга учраган шахслар томонидан хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга электрон шаклда аноним кўринишда мурожаат этишни таминлашга доир **WWW.CYBERSECURITY.UZ** ягона платформа яратилиши лозим.

2. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида “Кибержиноятларга қарши курашиш ҳамда уларни тергов қилиш бошқармаси”, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида “Кибержиноятларга қарши курашиш ҳамда уларни тергов қилиш” бўлимларини ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

### **II. Назарий хуросалар**

1. Диссертация ишимиздан келиб чиқиб, қуйидаги атамаларга муаллифлик тарифи берилди:

- **кибержиноят** - ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи, бевосита компьютер воситалари орқали ёхуд электрон технологиялар ёрдамида интернет тармоғи орқали содир этиладиган қонунга хилоф ижтимоий хавфли қилмиш.
- **киберқотиллик** - бевосита компьютер воситалари ёрдамида ёхуд электрон технологиялар қўмагида интернет тармоғи орқали қасдан одам ўлдириш;

- **киберсуицид** – кибертехнологиялар орқали қўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш, агар шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш;
- **кибертаҳдид** – кибертехнологиялар орқали шахсни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш;
- **киберпорнография** – порнографик маҳсулотни кибертехнологиялар ёрдамида тайёрлаш, Республика ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, фойдаланиш, тарғиб қилиш;
- **киберагressия** – кибертехнологиялар орқали босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик қўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш;
- **кибертероризм** - халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф тугдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳди迪 ҳамда вазиятни бекарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир қўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўскىнлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш;
- **кибертоламачилик** – жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни кибертехнологиялар орқали ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан кибертехнологиялар орқали мулкни ёки мулкий ҳукуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсингдаги ҳаракатлар содир

етишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш;

- **киберталончилик** – кибертехнологиялар орқали ўзганинг мулкини очикдан-очиқ талон-торож қилиш;
- **киберўзлаштириш ёки киберрастрата** – айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини кибертехнологиялар орқали ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш;
- **киберфиригарлик** – кибертехнологиялар орқали алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш;
- **киберўғрилик** – кибертехнологиялар орқали ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш;

### **III. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар:**

1. Таклиф сифатида ЖК ХХ<sup>1</sup>-бўлимини такомиллаштириш юзасидан айрим мулоҳазаларни баён этиш зарур, деб ўйлаймиз. Хусусан, ЖК 278-моддаси диспозициясида ахборот-хисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари, электрон хисоблаш машиналари, электрон хисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари атамаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабдан, **Жиноят кодекси 278-моддаси 1-қисмидаги “ахборот-хисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари” сўзларини “компьютер техникаси воситаси, унинг тизими ёки тармоғи”** жумласи билан тўлдириши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Шунингдек, ушбу бобда мавжуд бўлган 278<sup>5</sup>-моддаси 1-қисмини Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасдан ишдан чиқариш, худди шунингдек **компьютер тизими ёки тармоғи ишини бузиш мақсадида компьютер ахборотини қасдан йўқ**

**қилиб юбориши** (компьютер саботажи) шаклида тўлдирилиши ўринли бўлар эди.

3. Жумладан, Жиноят кодекси 103-моддасининг “Г” банди ва 103<sup>1</sup>-моддасидаги “В” бандларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998-йил 11-сентабръдаги 20-сонли “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига **киберсуицид** атамаларинининг киритилиши мақсадга мувофиқдир.Худди шундай шаклда 97-моддага **киберқотиллик**, 130-моддага **киберпорнография**; 139-модда **кибертуҳмат**; 140-модда **киберҳақорат**; 167-модда **киберрастрата**, 168-модда **киберфирибгарлик**; 169-модда киберўғрилик; 278-киберқимор атамаларининг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

4. Бугунги кунда ривожланиб бораётган электрон технологиялар тараққиёти шахснини технологиялар бошқарувидан чиқариб ташламоқда. Мисол сифатида автомобилларнинг ўзини ўзи бошқариш функциясини келтиришимиз мумкин. Интернет ёрдамида бошқарувни ўз қўлига олиб, бошқарувда ҳайдовчи бўлишини талаб этмайди. Бунда қасдан одам ўлдириш ниятида бўлган шахс электрон автомобиллардан жиноят содир этиш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин. Ваҳоланки бундай мисолларни кўплаб учратишимиз мумкин. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисмига қуйидагича ўзгартирилиши киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш, яъни: “т) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжахон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса,” банди.

5. Бугунги кунда мобил курилмаларни ишлатмайдиган, улар орқали бевосита ёзишмалар олиб бормайдиган инсон бўлмаса керак. Шу сабабдан, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш; хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши

тартибини бузиш жинояти Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 143-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра, маъмурий жазо қўлланилгандан кейин хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасдан бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бизга маълумки, ушбу турдаги жиноят учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасдан бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. **Таклиф сифатида шуни айтишимиз мумкинки, ҳар қандай шахсий маълумот бугунги кунда инсоннинг ор номусини белгилаб бермоқда.** Амалиётда кўришимиз мумкинки, ижтимоӣ тармоқ фойдаланувчилари ўзганинг шахсий маълумотларидан гаразли мақсадларда фойдаланиши мөқдада. Шу сабабдан айтишимиз лозимки, биринчи бор содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ўзидаёқ жиноий жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

6. Бугунги кунда мамлакатимизда ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди “компьютер тизимига рухсатсиз кириб “га доир жиноятлар кўплаб содир этилмоқда. Буни бартараф этиш ечими сифтида ушбу турдаги киберўғирлик жиноятини ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмидан, ЖКнинг **169-моддаси 4-қисмининг “б” бандига** жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро жазонинг кучайтирилиши, ушбу турдаги жиноятларнинг камайишига сабаб бўлса.

7. Шунингдек, гиёхванд моддалар савдоси Интернет тармоғи орқали ҳам жуда кўплаб микдорда сотилаётганини кўришимиз мумкин. Тошкент шаҳар ИИББ жиноят қидирув ходимлари Интернет тармоғи орқали тарқатилган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ бир қанча фактни фош этишмоқда. Кўриниб турибдики, Интернет тармоғи орқали тарқатилган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятлар авж олиб жамият онгига жиддий таъсир этмоқда. Шу сабабдан, Жиноят кодексининг 273-

моддасига қуидагида ўзгартириш киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. “**273-модда.** Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равища, шунингдек, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, *шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда телекоммуникация тармоқларидан, Интернет бутунжсаҳон ахборот тармоғидан* фойдаланиб қонунга хилоф равища ўтказиш” тарзида шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир.

8. Юқорида ўрганилган манбалар асосида шуни айтишимиз мумкинки, жиноят-процессуал қонунчилигимиз ҳам ўзида бугунги даврга монанд жиноятлар учуг ўзгаришларни акс эттириши лозим. Хусусан, кибержиноятларни тергов қилишга доир ишлар юзасидан алоҳида боб сифатида **рақамли далилларни тўплаш** тартибини белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз. Дарҳақақат, кибержиноятларда далил ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши учун аҳамиятли ҳисобланади. Яъни бунда шуни назарда тутмоқдамизки, бугун кўплаб тергв органлари томонидан керакли жойларга сўровлар юбориш орқали далиллар тўплаш амалиётида кўплаб қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шу сабабдан далиллар тўплашнинг процессуал қонунчиликда тартиби белгиланиши жиноят ишини тергови давомида муаммоларни бартараф этади деб умид қиласиз.

9. Шунингдек, яна бир муаммо сифатида айтишимиз мумкинки, кибержиноятларни тергов қилиш юзасидан алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибини белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳамда, кибержиноятларга бевосита дахлдор тергов ҳаракатлари ўтказилишида яъни қуидаги тергов ҳаракатлари **кўздан кечириши, олиб қўйиши ва тинтув, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб**

